

Н.А. Раупова, А.Т. Тулебиев, Е.В. Дашкевич

*Қозоғистон Республикаси  
Таълим ва фан вазирлиги тасдиқлаган*

*Ўзбек тилидаги нашрга “Жазушы” нашриёти тайёрлаган*

# БАДИИЙ МЕҲНАТ

Умумтаълим мактабларининг  
4-синфи учун дарслик

# 4

Алматы



«Атамұра» – «Жазушы»

2019

УДК 373.167.1  
ББК 85.1 я 72  
Р 23

## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР



ўйланг ва жавоб беринг



ўзингиз бажаринг



тажриба ўтказинг



кўришни ўрганинг



эҳтиёт бўлинг



ўқинг, бу қизиқ



Интернетдан ва бошқа манбалардан топинг



ҳикоя тузинг



ота-оналар билан амалга ошириладиган лойиҳа



видео

**Раупова Н.А. ва бошқа.**

**Р 23** Бадий меҳнат: Умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик /  
Н.А. Раупова, А.Т. Тулебиев, Е.В. Дашкевич. – Алматы: «Атамўра» – «Жазушы», 2019. – 144 бет.

ISBN 978-601-200-659-9

УДК 373.167.1  
ББК 85.1 я 72

ISBN 978-601-200-659-9

© Раупова Н.А., Тулебиев А.Т., Дашкевич Е. В., 2019  
© Атамўра, 2019  
Ўзбек тилине «Жазушы» баспасында аударылды, 2019

## Кириш

Салом, бизнинг эски қадрдон дўстимиз! Нима учун эски?! – ҳайрон бўляпсиз. Ахир биз сиз билан роппа-роса уч йилдан буён танишмиз! Сиз энди яхши расм чизасиз, ҳар хил буюмлар яшашни биласиз, лекин олдинда сизни янги ва қизиқарли учрашувлар яна кутмоқда. Синчков ва қизиқувчан бўлинг, ўқиш ва билим ҳамда маҳоратингизни оширишдан чарчаманг. Муваффақиятлар сизга ёр бўлсин!





# 1. МЕНИНГ ВАТАНИМ – ҚОЗОҒИСТОН

Бу мавзуни ўрганиш давомида сиз

## ЁДИНГИЗГА ТУШИРАСИЗ:

- чизиқли перспектива ва уларнинг қоидаларини.



## БИЛИБ ОЛАСИЗ:

- фазовий перспектива ҳақида;
- тўйинган ва тўйинмаган ранглар ҳақида;
- Қозоғистоннинг меъморий маданий-тарихий ёдгорликлари ҳақида.



## ЎРГАНАСИЗ:

- чизиқли ва фазовий перспективаларни ҳисобга олган ҳолда она юртнинг пейзажини яратишни;
- қоғоздан кўламли панно яратишни;
- янги атамани рус, қозоқ, инглиз ва ўзбек тилларида талаффуз қилишни.




воздушная  
перспектива  
кеңістік  
перспективасы  
aerial  
perspective  
фазовий  
перспектива

## ҚОЗОҒИСТОННИНГ ТАБИАТИ

Биз ҳаммамиз Қозоғистонда яшаймиз – бу бизнинг умумий Ватанимиз. Лекин ҳар биримизнинг кичик ватанимиз бор, бу – инсон ўзи туғилган ва болалигини ўтказган жой. Бу жой билан одамни жуда кўп нарса боғлаб туради ва бутун умри давомида кичик ватанини ҳис қилиб юради. Қимдир катта шаҳарда туғилган, қимдир – қишлоқда ёки овулда. Қимдир она шаҳрининг кенг кўчаларини, бошқаси баҳорда даштда гуллаб ётган лолақизғалдоқларни, яйловларда отлар ўтлаб юрган баланд тоғларни бир умрга эслаб қолади.

?!

1. Сиз ота-онангиз қаерда туғилганлигини биласизми? Уларнинг болалиги ўтган ерлар ҳақида сўраб билинг.
2. Ўзингиз туғилган ва яшаётган ўлканинг табиатини тасвирланг.



Қозоғистоннинг табиати жуда бой. Унинг ҳудудида бир нечта табиий қўриқхоналар мавжуд: Ақсу-Жабағли, Алмати, Марқакўл ва бошқалар. Улар давлат томонидан қўриқланади. Мамлакатнинг табиати рассомларни рангтасвир пейзажларини яратишга илҳомлантиради. Сиз ҳам она юртингизнинг пейзажини яратишга ҳаракат қилинг. Бунинг учун сиз жуда кўп нарсаларни билиб олишингиз керак. Сизга омад ва зафарлар тилаймиз!

## ПЕЙЗАЖДА ФАЗОВИЙ ПЕРСПЕКТИВА



1. Чизиқли перспектива деб нимага айтилади?
2. Чизиқли перспективанинг қайси асосий қоидалари сизга маълум?

Қаранг, берилган расм асо-  
сида қайси дарахт яқинроқда,  
қайсиниси узоқроқда жойлаш-  
ганлигини аниқлаш мумкин-  
ми? Агар чизиқли перспектива  
қоидасини эсласак, анча майда  
дарахтлар узоқроқда жой-  
лашганлигини айтиш мумкин.  
Лекин баъзан олдинги планда  
танаси анча ингичка дарахтлар  
жойлашган бўлиб, орқа план-  
даги дарахтлар эса алоҳида  
бақувватлиги билан ажралиб  
туради. Шунинг учун бу расмга  
қараб аниқ жавоб бериш мум-  
кин эмас.



Дарахтларнинг қайси бири  
яқинроқ турганлигини англаш  
учун уларни шундай чизиш ке-  
ракки, уларнинг ердаги жойла-  
шуви кўриниб турсин. Масалан,  
мана бундай. Чапдаги дарахт  
узоқроқда, ўнгдагиси эса ку-  
затувчига яқинроқ турганлиги  
дарҳол тушунарли бўлади.


Яна қандайдир усуллар билан  
пейзаждаги майдонни тасвир-  
лаш масаласини ҳал қилиш мум-  
кинми? Бу саволга жавоб бериш  
учун жонли табиатни диққат  
билан кузатиш керак.



Ота-оналарингиз билан табиат қўйнига чиққанингизда, синчков бўлинг. Олдинги ва орқа пландаги пейзаж объектининг ранглари қиёсланг ва хулоса чиқаринг. Агар бу тоғнинг пейзажи бўлса, тоғларнинг қандай рангда эканлигини аниқланг.



Эҳтимол, сиз бир неча бор тоғларни кузатишингизга тўғри келгандир. Қорлар билан қопланган тоғлар гўё ҳаворангдай туюлади, чунки жуда узоқ масофада жойлашган бўлади. Лекин яқинлашган сайин ранглар ўзгара бошлайди. Агар ўрмон билан қопланган бўлса яшил, агар қор билан қопланган бўлса, оқ рангга киради.



Фоторасмларни кўриб чиқинг. Олдинги планда, яъни кузатувчига яқинроқ турган дарахтларни орқа планда жойлашганлари билан қиёсланг. Орқа пландаги дарахтларнинг ранги ҳақида нима дея оласиз?

Сиз орқа пландаги дарахтларнинг кўриниши аниқликни йўқотганлигини кўрасиз. Уларнинг ранги олдинги пландаги дарахтларга қараганда унчалик ҳам ёрқин эмас.

## РАНГЛАРНИНГ ТҮЙИНГАНЛИГИ



Рангларнинг қандай хусусиятларини билишингизни эсланг.

**Тўйинганлик** – бу рангнинг яна бир муҳим хусусиятидир.

**Тўйинган ранглар** – бу қора ва оқ ранглар аралашмаган тоза ранглардир.

Тўйинмаган ранглар тўқ ва оч бўлади:

**тўйинмаган тўқ ранглар** – қора ранг аралашган ранглардир;  
**тўйинмаган оч ранглар** – бу оқ ранг аралашган ранглардир.

Қуйидаги ранглар жадвалига қаранг ҳамда тўйинган ва тўйинмаган рангларни қиёсланг.

Тўйинган	қизил 	сарик 	яшил 	кўк 
Тўйинмаган оч	қизил 	сарик 	яшил 	кўк 
Тўйинмаган тўқ	қизил 	сарик 	яшил 	кўк 

Энди рангнинг янги хусусияти – тўйинганлигини билиб олгандан сўнг, аввалги саҳифадаги фоторасмларга яна бир марта қаранг ва олдинги ҳамда орқа пландаги дарахтларнинг рангларини перспектива нуқтаи назаридан тасвирлаб беринг.

Пейзаж яратишда тўйинган ранглар билан бир қаторда тўйинмаган ранглардан ҳам фойдаланиш зарур. Ёруғлик ва ҳаво қатлами бизни ўраб турган предметларга биздан узоқлашганига қараб рангининг тўйинганлигини ўзгатирган ҳолда таъсир кўрсатади. Биз ўзимиздан узоқдаги предметларни уларни рангсизлантириб, уларга совуқ тус берадиган ҳаво қатлами орқали кўрамиз. Бу кўриниш **фазовий перспектива** номини олган.

Фазовий перспектива чизиқлисидан фарқли равишда предметларнинг ўлчамига эмас, балки уларнинг ранг хусусиятлари – тўйинганлиги ва тусларига таъсир қилади. Чизиқли ва фазовий перспектива бир-бири билан узвий боғлиқдир.




1. Пейзажларнинг фотосуратларини кўриб чиқинг. Уларга чизиқли ва фазовий перспектива нуқтаи назаридан баҳо беринг.
2. Олдинги ва орқа планда турган объектларнинг рангини рангининг тўйинганлиги нуқтаи назарига кўра тасвирланг.
3. Олдинги ва орқа пландаги объектларнинг ўлчамини аниқланг.

Туманли об-ҳавода фазовий перспективанинг кўринишини кузатиш жуда самаралидир. Агар туманга яқин турган предметларнинг ранги ва ташқи кўриниши фарқланса, лекин узоқлашган сари улар рангининг тўйинганлигини йўқотиб боради, анча узоқдагилари эса туманга гўёки «сингиб кетади».




### ЁДДА ТУТИНГ!

**Фазовий перспектива** – бу предметлар узоқлашгани сари ташқи кўринишнинг равшанлиги ва аниқлигини йўқота бориб, тўйинмаган оч бўлиши ва совуқ туслар олишини ўз ичига олган ҳодисадир.



Фазовий перспективанинг график тасвирида олдинги пландаги объектлар анча тўқ, орқадагиси эса оч, бўзарган бўлади. Агар сиз оқ-қора фотосуратни кўрсангиз, бунинг тасдиғини топасиз.





Берилган график расм бўйича дарахтларнинг жойлашиш тартибини энг яқинидан энг узоғигача аниқланг. Агар ҳамма дарахтларнинг ранглари бир хил тўйинганликда бўлганида нима бўларди деган саволга сиз қандай жавоб берардингиз? Жавобингизни изоҳлаб беринг.

Расмимизга қайтамиз ва орқа пландаги дарахтни олдиндагисига қараганда сал очроқ қилиб тасвирлаймиз. Фазовий перспективанинг хусусиятларини билган ҳолда қайси дарахт яқинроқда, қайсиниси узоқроқда жойлашганлигини дарҳол тушунамиз. Агар сиз чизиқли перспективадан ҳам фойдалансангиз, сизнинг расмингиз янада кўпроқ ифодага эга бўлади.



Сизнинг тенгдошларингиз пейзаж чизаётганларида, одатда текисликдаги тасвирларни яратишади. Лекин уларнинг баъзилари расмда ичкарилиқ ва майдонни акс эттиришга ҳаракат қилишади: улар пейзажни чизиқли ва фазовий перспективани қўллаш орқали яратишга ҳаракат қилишади.



1. Биринчи пейзажда чизиқли ва фазовий перспектива акс этган деб айта оламизми?
2. Иккинчи пейзаж ҳақида нима дея оласиз?
3. Қайси пейзажда чизиқли перспектива яхшироқ акс этган?
4. Қайси пейзажда фазовий перспектива яхшироқ намоён бўлган? Жавобларингизни изоҳланг.



### **Она диёрингизнинг пейзажини яратинг**

Керакли ўлчам ва ҳажмдаги қоғоз варағини танланг.

Пейзажингизнинг композициясини ўйлаб олинг. Йилнинг қайси фаслини тасвирлашингизни аниқлаб олинг.



Ишингиз учун материаллар танланг. Булар гуашь ёки акварель бўёқлари, рангли қаламлар бўлиши мумкин. Табиий ва сунъий материаллардан фойдаланган ҳолда пейзажни коллаж техникасида яратиш мумкин.

Пейзажда чизиқли ва фазовий перспективани акс эттиришга ҳаракат қилинг.

## ҚОЗОҒИСТОН РАССОМЛАРИ ЎЗ ВАТАНИ ҲАҚИДА




*Т. Исхаков. Чарин водийси*



*Т. Исхаков. Каспий*



*М. Кенбаев. От тутиш*



*М. Каснак. Уйқу.  
Кечки олмалар ва  
биринчи қор*



*Т. Волкова. Ййлов*

?!

1. Қаранг, рассомлар ўз Ватани ҳақида ҳикоя қилишайтганда нақадар турли-туман воситалардан фойдаланишади.
2. Рассомлар қайси ишларида чизиқли ва фазовий перспективадан фойдаланишади?
3. Ишларнинг ранг гаммалари ва кайфиятини тасвирланг.
4. Қайси иш сизга ҳаммасидан кўпроқ ёқди? Жавобингизни изоҳланг.

## ҚОЗОҒИСТОННИНГ МАДАНИЙ-ТАРИХИЙ ЎТМИШИ

Ҳар бир инсон ўз Ватанининг ўтмишини билиши лозим. Сиз Қозоғистон тарихини тарих дарсларида мукаммал ўрганасиз. Лекин ўзингиз ҳам ўз мамлакатингизнинг маданий-тарихий ўтмиши ҳақида турли манбалардан имкон борича кўпроқ билиб олишга ҳаракат қилинг.




**Интернет ва бошқа манбалардан Қозоғистон ҳудудидаги маданий-тарихий ёдгорликлар ҳақида маълумотлар топинг. Уларни дўстларингиз билан ўртоқлашинг.**

Буюк Ипак йўли – бу Осиёдан Европага олиб борувчи қадимги қарвон йўли. Бу йўлдан савдогарлар ўз молларини, биринчи навбатда ипакни Осиёдан Ўрта Ер денгизи мамлакатларига олиб борганлар. Бу йўл ҳозирги Қозоғистон ҳудудидан ҳам ўтган.



**Марказий Осиёда энг кўп тарқалган савдо усули қарвон савдоси эди. Натихада, бу регионни қарвонлар юрадиган йўллар тармоғи ўраб олган эди. Қарвонлар жуда катта бўлган, юк ортиладиган ҳайвонларнинг сони бир неча мингга етган. Ипак йўли баъзи жойларда шу даражада кенг бўлганки, бир вақтнинг ўзида ўн иккитагача туя қатор бўлиб ўта олиши мумкин эди! Бу кўпгина замонавий магистраллардан кенгроқ эди.**

**(«Буюк Ипак йўли бўйлаб» китобидан)**




Қалъа деворининг дарвозаси. Туркистон


Буюк Ипак йўлида Урганч, Бухоро, Ўтрор, Туркистон, Тароз, Баласоғун каби йирик шаҳарлар жойлашган эди. Бу шаҳарларнинг меъморчилиги жуда ўзига хос бўлган. Афсуски, иншоотларнинг кўп қисми душманлар босқини ва зилзилалар оқибатида вайрон бўлган, лекин сақлаб қолинган меъморчиликка қараб уларнинг гўзаллиги ва улуғворлигига баҳо беришимиз мумкин.



1. «Туған жер» дастури ҳақида нима биласиз, ҳикоя қилиб беринг.
2. У нимага йўналтирилган?
3. Сиз унда иштирок эта оласизми?



Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси



Туркистондаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси ҳақида сиз 3-синф дарслиги материаллари орқали билиб олгансиз. Бу тарихий ёдгорлик ҳақида қўшимча маълумотлар топинг.

«Мақбара» сўзининг русча маъноси «мавзолей»нинг қандай келиб чиққанлигини билиш, аҳтимол сизга қизиқдир. Бу маълумотни ўқинг ва ёдда тутинг.



«Мавзолей» сўзи қудратли ҳукмдор Карий Мавсол номидан келиб чиққан. Милоддан аввалги 4-асрда унинг учун жуда катта мақбара қурилган. Бу иншоот жаҳоннинг етти мўъжизаси қаторига киритилган. Бора-бора аслзода зотлар учун қурилган катта мақбараларни мавзолей деб атай бошлашган.

Тароз – Буюк Ипак йўлида жойлашган Марказий Осиёнинг асосий савдо шаҳарларидан бири. Шаҳар ва унинг чеккаларида бир қанча меъморий ёдгорликлар сақланиб қолинган. Уларнинг ичида энг аҳамиятлилари – Қорахон, Ойша биби ва Бабажа Хотун мақбараларидир.

Қорахон мақбараси – 11-асрнинг меъморий ёдгорлиги. У Қорахонийлар сулоласидан бўлган машҳур хон шарафига қурилган.



Ойша биби мақбарасининг қайта тикланган гўзаллиги

Ойша биби мақбараси номаълум меъмор томонидан 11-асрда қурилган. Кўпгина тадқиқотчилар уни заргарлик буюмларига қиёслашади. Мақбара ичкаридан турли ўйма нақшли терракота тахтачалар билан безатилган, шунинг учун жуда нафис кўринади. Ўйма нақшлар гўзаллиги тасаввурларни ҳайратга солади. Вақт мақбарага шафқат қилмади, лекин замонавий усталар унинг илк кўринишини қайта тиклашди.



Ойша биби мақбараси ажойиб афсона билан боғлиқ. Гўзал Ойша биби ўз севгилиси Қорахоннинг урушдан қайтишини кутади. Унга Қорахоннинг қайтиб келаётганлигининг хабари етиб келиши билан жойида ўтира олмайди ва унинг истиқболига югуради. Лекин аччиқ тақдирнинг иродасига кўра қалин ўтлар орасида беркиниб ётган илон гўзалнинг бахтли югуришига чек қўяди. Ойша биби илон чақишидан севгилиси қўлида жон беради.

Ойша биби ҳалокати ҳақида бошқа нақллар ҳам бор. Ўз севган ёри ва севгининг буюк кучи хотирасига бахтсиз куёв мақбара қуришга қарор қилибди. У шу кунга қадар келувчиларни ўзининг гўзаллиги билан ҳайратга солиб келмоқда.

## «ҚАДИМИЙ ШАҲАР ДЕВОРЛАРИ ОЛДИДА» КЎЛАМЛИ ПАННО ЯРАТАМИЗ

Бу паннони рангли қалин қоғоз, пластилин, полимер лой ва ташлаб юбориладиган материаллардан бошқа сунъий ёки табиий материалларни қўшган ҳолда тайёрлаш мумкин. Сиз юқоридаги материаллар билан ишлаб кўрганингиз сабабли бугун кўламли иш яратишнинг янги усули (техникаси) билан танишасиз.

Сизга керак бўлади: кулранг ҳожатхона қоғози ўрами (пластилин ёки полимер лой, агар бу материаллар билан ишлашга қарор қилган бўлсангиз), ПВА елими, сув, сув учун идиш, акварель бўёқ учун банкачада сув, акварель бўёқлар, мўйқалам, палитра, қўл учун салфетка, асос учун қалин картон.



### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ



1. Ҳожатхона қоғозини майда бўлақларга бўлинг, уларни чуқур идишга солинг ва тўлдириб қайноқ сув қуйинг (ота-онангиз ёрдам беришсин).



2. Сув илиганда, уни тўкиб ташланг ва қўлингиз билан эзгиланг – унда тугунчалар қолиши керак эмас. Ортиқча сувни сиқиб ташланг.

3. ПВА елими қуюқ бўлиши керак. Агар у суюқ бўлса, бир оз турсин ва ортиқча суюқликни тўкиб ташланг. Кейин уни қоғозли массага солинг ва яна қўл билан яхшилаб эзинг.

4. Масса майин ҳолга келиши ва юмалоқ бўлиб ёпишиши керак. Агар у бўлиниб кетса, боғлаб турувчи моддалар қўшиш керак, масалан, қуюқ крахмал елими (бу ишда онангиздан ёрдам беришини илтимос қилинг). Агар масса қуюқ ва силлиқ бўлмаса, икки-уч қошиқ елим қўшиб юбориш мумкин.



5. Асос учун қалин картон тайёрланг.

Паннони ясашга асос бўладиган сурат (эскиз)ни чизинг, агар ишингизни яхши тасаввур қила олсангиз, хомаки расмсиз ҳам ишлашингиз мумкин.

6. Тайёрланган массада худди полимер лой ёки пластиндан ясаганингиз каби ўзингизга зарур бўлган қисмларни ясай бошланг. Мураккаб қисмни яшаш қийин, шунинг учун оддий шаклларни ясанг ва уларни асосга битта ягона қисм қилиб йиғиб чиқинг. Қисмларни жойлаштирадиган ерга елим суриб чиқинг. Тайёр қисмларни пичоқ ёки чизғич билан босиб безашингиз мумкин.




7. Ўзингизни қадимий меъмор деб ҳис қилинг ва иншоотни янги деталлар билан безатинг.



8. Барча деталларни ўйлаб чиқинг, уларни бажаринг ва композицияни яқунланг. Уни яна бир марта кўриб чиқинг, агар зарур бўлса, безаклар қўшинг.

Сиз ўз шаҳрингизни бир хил рангда қолдиришингиз мумкин, шунда у чиройли кўринади. Қоғоз массасининг ўзига хослиги шундаки, у эски, йиллар давомида ёрилиб кетган тошлар каби таассурот қолдиради.



9. Ишингизга акварель бўёқлар билан бир оз пардоз беришингиз мумкин. Улар қоғоз массасининг хўл юзасига яхши тушади. Куннинг қайси қисмини тасвирламоқчи эканлигингизни ўйлаб кўринг. Эҳтимол, бу эрта тонг, кеч кирган пайт ёки жазирама туш вақтидир? Берилган расмларда куннинг қайси вақти тасвирланган? Жавобингизни асосланг.

10. Ишингизнинг қуришини кутинг. Тайёр ишни дўстингизга совға қилишингиз ёки хонангизни безатишингиз мумкин.

## ТАҚДИМОТ, ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА

1. Қозоғистоннинг табиати ҳақида ҳикоя қилинг.
2. Давлат томонидан қўриқланаётган табиий объектларнинг бир нечасини айтинг.
3. Қозоғистоннинг қайси жойларида бўлишга муваффақ бўлгансиз?
4. Пейзаж яратган қайси қозоғистонлик рассомларни биласиз? Бир нечта номларни айтинг.
5. Қозоғистоннинг меъморий ёдгорликларини айтинг.



1. Фазовий перспектива нима?
2. Тўйинган ва тўйинмаган ранглар ҳақида нималарни билиб олдингиз?
3. Расм чизишда янги билимларингиз сизга ёрдам берадими?
4. Кўламли паннони қандай яратганингиз ҳақида гапириб беринг.
5. Бу ишда сиз қандай фикрни ифода этмоқчи бўлдингиз?



## ФАЗОВИЙ ПЕРСПЕКТИВА ТЎЙИНГАН ВА ТЎЙИНМАГАН РАНГЛАР



## 2. ҚАДРИЯТЛАР

Бу бўлимни ўрганишда сиз

### ЭСЛАЙСИЗ:

- ранглар нима ҳақида ҳикоя қилиши мумкинлигини;
- рангларнинг тўйинганлиги нима эканлигини.



### БИЛИБ ОЛАСИЗ:

- тасвирий санъатнинг маиший жанри ҳақида;
- ранглар гаммасининг янги ифода воситалари ҳақида;
- шрифтнинг ифода имкониятлари ҳақида.



МЕН СЕНГА СОДИҚ ДУСТ БУЛАМАН

### ЎРГАНАСИЗ:

- маиший жанрдаги асарларни аниқлашни;
- табрикномалар яратишни ва ифодали ёзишни;
- янги атамани рус, қозоқ, инглиз ва ўзбек тилларида талаффуз қилишни.

бытовой жанр  
тұрмыстық жанр  
genre art  
маиший жанр

## МАИШИЙ ЖАНР БИЛАН ТАНИШАМИЗ



1. Ўзингизга маълум бўлган жанрларни эсланг ва айтинг.
2. Тасвирий санъатнинг ҳар бир жанри нимага бағишланганлигини айтиб беринг.
3. Қайси жанрдаги асарлар сизга кўпроқ қизиқарли?

Рассомларни нафақат табиат, шу билан бирга чиройли нарса-буюмлар, ҳайвонот дунёси ҳам қизиқтиради.

Қадим даврлардан одам ва унинг ишлари рассомларнинг диққатини тортган.

Маиший – одамнинг ҳаёти, унинг кундалик ишлари, ташвишлари, қайғу ва қувончлари ҳақида ҳикоя қилувчи тасвирий санъат жанри шундай номланади.

Бу жанр анча илгари пайдо бўлган: қоялардаги расмларда одамларнинг ов саҳналарини кўриш мумкин. Қадимги мисрликлар пирамидалар деворларига маиший кўринишларни чизиб тасвирлаганлар. Ҳозирги кунда бу суратларнинг парча (фрагмент)лари дунёнинг энг йирик музейларида сақланмоқда. Қадим замондан маиший жанр рассомларнинг энг сеvimли жанрларидан бири бўлиб келган. Қоидага кўра бу жанрдаги асарларида рассомлар ўз замондошларини тасвирлаганлар.



Ов кўриниши.

*Миср расмларидан фрагмент*



Маиший жанрни Жетису туманида жойлашган Тамғали – меъморий ландшафтининг петроглифлари ичидан ҳам топиш мумкин.




Интернет ва бошқа манбалардан маиший жанр ҳақида маълумотлар топинг. Қайси рассомлар ўз ижодини ушбу жанрга бағишлаганлиги ҳақида тўлиқроқ билиб олинг. Маълумотларингизни дўстларингиз билан ўртоқлашинг.



Турли даврдаги маиший жанрга оид асарларни кўриб чиқиш – бу жуда қизиқарли машғулот: ахир улар жуда кўп қизиқ нарсаларни айтиб бериши мумкин. Бу суратларни диққат билан кўриб чиқинг ва саволларга жавоб беринг: рассом маиший жанрда асар яратаётганда нима ҳақида ҳикоя қила олиши мумкин? Аввал яшаган одамларнинг ҳаёти ва турмуши тўғрисида нималарни билиб олдингиз?




*О. Ренуар.*  
Люксембург боғида



*С. Айтбаев.*  
Меҳмонлар



*З. Серебрякова.* Ўрим-йиғим



*А. Остаде.*  
Мактаб ўқитувчиси

## УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР РАССОМЛАРНИНГ АСАРЛАРИДА

Рассомлар қандайдир иш билан машғул одамларни тасвирлашни яхши кўрадилар, лекин бунда асосий эътиборни уларнинг бир-бирлари билан ўзаро алоқаларида яққол кўриниб турган шахсий фазилатларига, демак, умуминсоний қадриятларига қаратадилар.

Умуминсоний қадриятлар миллатидан, дини ва бошқа эътиқодларидан қатъи назар одамларнинг манфаатларини ифодалайди. Ҳамма замонларда садоқат, мардлик, виждонлилик, дўстлаша олиш, меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиш, яқинларига муҳаббат, кучсизларга ғамхўрлик каби сифатлар қадрланган. Турли даврларнинг, турли миллатларнинг рассомлари ўз ижодларида жонли муносабатларни, дўстлик, муҳаббат, мулойимлик, яъни одамлар орасида юзага келиши мумкин бўлган ҳиссиётларни акс эттиришга интилганлар.




1. Қандай умуминсоний қадриятларни айтиб бера оласиз?
2. Гўзалликни умуминсоний қадриятларга киритиш мумкинми? Жавобингизни изоҳлаб беринг.



*В. Серов. Болалар.  
Саша ва Юра Серовлар*



*М. Бекеев. Хўроз*



*Е. Сидоркин. Она ва бола*



1. Бу расмларни диққат билан кўриб чиқинг.
2. Бу суратда қандай қадриятлар ҳақида сўз боради?
3. Асосий умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳикоя қилиш учун рассомлар қандай ифода воситаларидан фойдаланишларини аниқланг.

Агар сиз қандайдир иш билан машғул оила аъзоларингиз ёки дўстларингизнинг расмларини, мактабда ёки кўчада ўзингиз кузатган саҳналарнинг расмларини чизишни яхши кўрсангиз, демак, сиз маиший жанрдаги асарларингизни яратётган экансиз.

Сиз кузатишларингизни шунчаки қайд қилиб қўйманг, балки одамларни қандай муносабатлар: дўстлик, ғамхўрлик, садоқат, муҳаббат, бурч туйғуси боғлаб тургани ҳақида ўйлаш керак. Булар ва бошқа кўпгина ҳисларнинг кўриниши асосий умуминсоний қадриятлар ҳисобланади. Агарда сиз ўз муносабатингизни чизаётган расмингизга рангда, чизиқда, шаклда, композицияда бера олсангиз, ишларингиз алоҳида ифодалилик ва маъно касб этади. Лекин бундай асарлар яратиш учун яна кўп нарсаларни билиш, ўрганиш керак.

## ЖАМОАВИЙ ПОСТЕР ЯРАТАМИЗ



Битта гуруҳга иш учун: картоннинг бир varaғи, рассомлар ёки фотосуратчиларнинг босма йўл билан олинган суратлари, улардаги ёзувлар, мавзуга оид цитаталар ёки шеърлар, постерни жиҳозлаш учун рангли қоғозлар, қайчи, мўйқаламлар, рангли фло-мастерлар, елим, қоғоз сочиқлар керак бўлади.

### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ

1. Уч гуруҳга бўлининг. Ҳар бир гуруҳ умуминсоний кадриятларга бағишланган қайси мавзунини танлашини ҳал қилиши керак: бу дўстлик мавзуси, оиладаги муҳаббат ва ғамхўрлик мавзуси, соғлом турмуш тарзи мавзуси ёки меҳнат мавзуси бўлиши мумкин.

2. Ҳар бир гуруҳ аъзолари мавзуга мос келадиган 5тадан 10тагача асар танлаб олишлари керак. Асарларни Интернетдан ва бошқа ахборот манбаларидан топиб, чиқариб олиш мумкин, эски журналлардаги босма суратлар (репродукция) ва табрик-номаларнинг мавзуга оид тўпламларини топиш мумкин. Мавзу бўйича қизиқарли фотосуратлар топиш ёки ўзлари мавзуга доир фотосуратлар ва расмлар қилишлари мумкин.



3. Гуруҳда вазифаларни бўлиб олинг. Кимдир босма суратлар (репродукция)ни сараласин, кимдир мавзуга доир шеър ёки ҳикматли сўзларни топсин, кимдир ишнинг ёзувларини жиҳозласин. Ишнинг сарлавҳасини, асардаги тасвир муаллифини, рассом ёки фотосуратчининг қандай умуминсоний қадриятларни тасвирлаганини кўрсатиш керак бўлади.

4. Рангли картон варағига ишлар ва уларга тегишли ёзувларни тақсимланг. Ишлар оралиғига мавзуга доир чиқарилган шеърлар ёки цитаталарни жойлаштиришингиз мумкин. Постерни жиҳозлашда яна қандай элементлар киритиш мумкинлигини ўйланг. Қомпозициянгизга баҳо беринг. Барча қисмларни елимланг.

5. Постерга мос келадиган сарлавҳа ўйланг.

6. Постерингизни синфдошларингизга кўрсатинг. Постернинг мақсади, рассомлар ва уларнинг ишлари, улар асарларида нима ҳақида ҳикоя қилганликлари тўғрисида гапиринг. Бу асарлар қайси умуминсоний қадриятлар тасвирига бағишланган?

Бу постерлар билан синф ёки мактаб йўлагини безатиш мумкин.

## «ОИЛА БОЛАЛАРДАН БОШЛАНАДИ»

А. Герцен






## РАНГЛАР ЁРДАМИДА ҲИССИЁТНИ ҚАНДАЙ ИФОДАЛАШ МУМКИН




Сиз ранглар ёрдамида кайфияти, характер, йил фасллари ҳақида айтиб бериш мумкинлигини билиб олгансиз. Маълум бўлишича, ранглар билан ўз ҳислари тўғрисида ҳам айтиб бериш мумкин экан.






1. Қаранг, олдингизда турли ранглар бирлиги берилган. Юқори қаторда жойлашган ранглар тўйинмаган оч ранглар. Улар қайси ҳисларга мос келиши мумкин?



тўйинмаган оч ранглар



тўйинган ранглар



тўйинмаган тўқ ранглар



2. Иккинчи қаторда жойлашган ранглар тўйинган. Улар қайси ҳисларга мос келиши мумкин?

3. Учинчи қаторда жойлашган ранглар тўқ тўйинмаган. Улар қайси ҳисларга мос келиши мумкин?

4. Сиз ўз ишларингизда кўпроқ қайси ранглардан фойдаланасиз?

## Тўйинмаган оч ранглар гаммаси



Эсланг, сиз тўйинган ва тўйинмаган ранглардан қаерда фойдалангансиз?

Тўйинган ва тўйинмаган ранглар нафақат фазовий манзарани тасвирлашда ёрдам бера олади. У томошабинга турли ҳис-туйғулар ҳақида ҳам айтиб бера олади.



1. Қаранг, бу асарларда қанчалар нозиклик ифода этилган. Бу суратлар сизда қандай ҳис-туйғулар уйғотганлигини тасвирлаб беринг.
2. Б.Моризонинг “Пианино” асарида кайфиятга кўра қандай мусиқа янграйди деб ўйлайсиз?
3. М.Кассетнинг “Ёш она боғда” асарида боланинг беланчаги олдида онанинг нима ҳақида китоб ўқиётганлигини тасаввур қилиб кўринг.
4. Бу икки сурат қандай ранглар гаммасида бажарилган?



М. Кассет. Ёш она боғда



Б. Моризо. Пианино


Бу ишлар майинлик, осойишталик, жимжитлик, тинч, минор мусиқа туйғуларини ифодалайдиган тўйинмаган оч ранглар гаммасида бажарилган.

Тўйинмаган оч рангни ҳосил қилиш учун гуашли бўёққа озгина оқ рангли бўёқ қўшилади, акварель бўёққа тўйинганликнинг керакли даражасига етгунча кўпроқ сув қўшилади. Тўйинмаган оч рангли гамма иссиқ, совуқ ёки контраст бўлиши мумкин.

## Тўйинган ранглар гаммаси

Сиз, албатта, муסיқа эшитишни яхши кўрасиз ва муסיқалар шўх ғамгин, тантанали ва жуда майин, лирик бўлишини яхши биласиз. Майин, сокин куйларга тўйинмаган оч рангли гамма мос келади. Баланд ва тантанали – байрам қўшиқларига ва маршларга эса ёрқин, тўйинган, «баланд» ранглар мос келади. Тўйинган ранглар баланд, қувончли, тантанали янграйди.

Агар сиз байрам, роҳат келтирадиган меҳнат билан машғул одамларни чизмоқчи, қувноқ куйни акс эттирмоқчи бўлсангиз, тўйинган ранглар гаммасидан фойдаланишингиз керак бўлади.



Қозоғистонлик рассом А.Муратбаев тўйинган ранглар гаммасида ишлашни яхши кўради. У «Алла» асарини айнан мана шу гаммада яратганлигини сиз қандай изоҳлайсиз?

Тўйинган ранглар гаммасида яратилган асарлар ёрқин ифодаланган ҳис-туйғулар – қувонч, тетиклик, хурсандчилик ёки, аксинча, ғам – ғусса, ташвиш, ғазабни акс эттиради.

Тўйинган ранглар гаммасини ҳосил қилиш учун қора ёки оқ ранглар аралашмасисиз тоза ранглардан фойдаланилади. Тўйинган ранглар гаммаси иссиқ, совуқ ёки контраст бўлиши мумкин.

## Тўйинмаган тўқ ранглар гаммаси

Тўйинмаган тўқ ранглар ва уларнинг бирикмалари анча кучли бўлади, лекин тетик ва қувноқ бўлмайди. Уларни бас товушлари ёки паст нотага қийслаш мумкин. Бу гаммада яратилган асарлар қоидага кўра, ғамгин ва сирли ҳолат таассуротини уйғотади.

Агар сиз ташвиш ҳисларини ифодаламақчи бўлсангиз, тўйинмаган тўқ ранглар гаммасидан фойдалансангиз яхши бўлади.



*В. Поленов. Константинополь.  
Эски сарой боғи*



*О. Мамаева. Боген Арал*



*К. Акашев. Оқшом пайти*




1. Тўйинган, тўйинмаган оч ва тўйинмаган тўқ ранглар гаммасига ҳамоҳанг бир нечта мусиқа асарларини эсланг ва айтинг.
2. Яқин инсонларингизга муносабатингизни қайси гамма яхшироқ акс эттиради?

Тўйинмаган тўқ рангларни ҳосил қилиш учун бўёққа қора бўёқ қўшилади. Тўйинмаган тўқ ранглар гаммаси иссиқ, совуқ ёки контраст бўлиши мумкин. Рассомлар бундай гаммада одатда ташвишли ҳодисаларни, ёғингарчилак, оқшом пайтини тасвирлашади.

## БАДИЙ ТАБРИКНОМАЛАР САНЪАТИ

Сиз ўзингизга яқин кишиларингизга бўлган меҳр-муҳаббатингизни табрикномалар ёрдамида ифода қилишингиз мумкин. Табрикномалар билан бир-бирини табриклаш анъанаси анча илгари пайдо бўлган. Табрикномалар Янги йил, туғилган кун, Наврўз, Саккизинчи март каби турли байрамларга бағишланган бўлиши мумкин. Лекин табрикномаларни дўстлар ва яқинларингизга алоҳида сабабларсиз ҳам совға қилиш мумкин. Табрикномада уни соғинганлигингизни ёки унга




тилакларингизни айтишингиз мумкин. Инсонга ёқимли сўз айтиш, уни қўллаш, кайфиятини яхшилаш учун кўплаб сабаблар топилади!



Табрикномалар ҳақидаги эслатмалар 18-асрда Францияда пайдо бўлган. Лекин табрикномалар дарахтларда рангли гравюралар (ўйма суратлар) кашф қилиниши муносабати билан Японияда пайдо бўлган деб ҳисобланади. Ўшандан буён япон гравюрасининг буюк усталари суримоно услубида кўплаб дурдоналар яратдилар. Японлар бир-бирларини турли муносабатлар: сакура гуллашининг бошланиши билан, хазонрезги, биринчи қор ва тўлин ой билан табриклашади.


## ШРИФТНИНГ ИФОДА ИМКОНИЯТЛАРИ. СЕҲРЛИ ҲАРФЛАР

Сиз табрикномалар ясаб кўргансиз, лекин, эҳтимол, ундаги ёзувларга эътибор бермагансиз. Ҳарф ҳам – бу муайян бир расм ва сўз ҳамдир. Чунки улар турли ва ҳиссиётга бой жуда ифодали чизиқлардан ташкил топади. Маълум бўлишича, фақат чиройли ва тўғри ёзиш билан кифояланмасдан, ҳарфларни ёзаётганда кўп фантазиялар қилиш мумкин экан. Қаранг, айнан бир ҳарфни турлича ёзиш мумкин.



1. «А» ҳарфининг нималарга ўхшаши мумкинлигига эътибор беринг.
2. У яна нималарга ўхшаши мумкин?
3. Бошқа ҳарфлар нималарга ўхшайди?

Рассомлар китоб графикасида, плакатларда, рекламаларда кўпроқ ифодалилик бериш учун турли шрифтлар – ҳарфларнинг график расмларидан фойдаланишади.



Расм дарсларида ифодали ёзиш, яъни сўзлар ва ҳарфлар ёрдамида маълум бир кайфиятни тасвирлашга ҳаракат қилиб кўриш учун сизда ажойиб имконият бор. Берилган ҳарфларга қаранг. Уларнинг ҳар бирида қандай кайфият ва характер борлигини аниқлашга уриниб кўринг.

Ҳарфлар ифодали бўлиши мумкин бўлган сўзларни ҳосил қилади. Берилган расмларга қаранг ва аниқланг, рассом қайси сўзларни ифодали ёзган, қайсиларини эса – йўқ.


Бўрон



Пончик



Ялмоғиз



Арғимчоқ



Тушунарсиз сўз ўйлаб топинг ва уни уч марта ёзинг. Биринчи марта у майинликни ифодаласин, иккинчи мартасида – ғазабни, учинчисида – қувноқликни. Бу сўзларни дўстларингизга кўрсатинг. Сиз бу тушунарсиз сўзларингиз билан нима демоқчи эканлигингизни улар тушунишадими? Ифодали ҳарфлар тўғрисида хулоса чиқаринг.




## ЯҚИНЛАРИМИЗ ВА ДЎСТЛАРИМИЗ УЧУН ТАБРИКНОМА ЯРАТАМИЗ

Бу табрикномани кимга  
совға қилмоқчи эканлигингиз  
ҳақида ўйланг.


Табрикномада қандай яхши  
тилакларни ёзмоқчисиз?

Бир нечта ўзига хос қизиқарли  
композициялар ва ифодали шрифтлар  
ўйлаб топинг.



Ҳисларингизни қайси ранг-  
лар гаммаси яхшироқ ифода-  
лаши ҳақида ўйланг. Табрик-  
номанинг асоси учун ранги  
мос тушадиган юпқа картон  
танланг.

Табрикномангизни қайси  
технологияда бажаришингиз-  
ни ўйлаб олинг. Ҳар қандай  
табiiй ёки сунъий матери-  
аллардан фойдаланишингиз  
мумкин.




Мен сен уфуни барча гулларни  
тердан бўлардим!

Шрифт ва  
ранг танловига  
алоҳида эътибор беринг.

Матнни расм билан  
муваффақиятли жойлаш-  
тиришга ҳаракат қилинг.

Табрикноманинг ҳамма деталларини  
бирлаштиринг ва энг яқин одамингизга  
табрикланг.



Мен сенга  
нафосатни совға  
қиламан

## ТАҚДИМОТ, ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА

1. Тасвирий санъатнинг сизга маълум жанрларини эсланг ва айтинг.

2. Маиший жанр нимага бағишланган?

3. Рассомлар ўз асарларида қандай умуминсоний қадриятларни тасвирлашади?

4. Улар қандай ифода воситаларидан фойдаланадилар?



1. Рассомлар муҳаббат ва нафосатни ифодалаш учун қайси ранглар гаммасидан фойдаланишади?

2. Рассомлар хавотир ҳиссини ифодалаш учун қайси ранглар гаммасидан фойдаланишади?

3. Шрифт нима? Унинг ёрдамида нима ифодалаш мумкин?

4. Ўз табрикномангиз ҳақида айтиб беринг.

5. Унда сиз қайси ифода воситаларидан фойдаландингиз?

6. Ҳиссиётларингизни ифодалашда шрифт сизга ёрдам бердими?

**МАИШИЙ ЖАНР**

**ШРИФТ**

### 3. МАДАНИЙ МЕРОС

Бу бўлимни ўрганишда сиз

ЭСЛАЙСИЗ:

- қозоқ халқининг маданий анъаналари ва байрамлари ҳақида;
- қозоқ ўтовининг тузилиши ҳақида.



БИЛИБ ОЛАСИЗ:

- ўтовнинг ички жиҳозлари ҳақида;
- анъанавий қозоқ гиламлари ҳақида;
- қозоқ халқи анъанавий либослари ва безакларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.



ЎРГАНАСИЗ:

- қозоқ халқининг аяққап халтасини ясашни;
- зар қоғоздан қозоқ нақшларини яратишни;
- янги атамани рус, қозоқ, инглиз ва ўзбек тилларида талаффуз қилишни.



культурное  
наследие  
мәдени мұра  
cultural heritage  
маданий мерос

## ЎТОВНИНГ ИЧКИ ЖИҲОЗЛАРИ




1. Қозоқ халқининг анъаналари ҳақида нималарни билишингизни эсланг.
2. Қозоқ ўтови, унинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг нимадан ясалиши, унинг қандай қисмлардан ташкил топганлиги, уни қандай барпо қилишлари ҳақида гапириб беринг.

Келинг, ўтовга назар ташлаймиз ва унинг ичи қандай тузилганлигини кўрамиз. У ерда мутлақо ўзгача осойишталик, жимжитлик ва шинамлик ҳукмрон.

Кираверишдаги бўш жой бўсага дейилади. Киришдан чап томондаги деворга кийимлар, сафар халталари, от абзали, эгарлар, турли хил асбоблар жойланган. Ўнгда – хўжаликни юритиш учун зарур бўлган уй-рўзғор буюмлари: турли хил асбоб-анжомлар, ёғоч, металл ва чарм идишлар.

Ўтовнинг марказида шанирақ остида жойлашган ўчоқ ўрнатилган. Киришнинг қаршисида ўчоқдан кейин тўр – меҳмонлар ва ҳурматли кишилар учун фахрли ер жойлашган. Бу юқоридаги жой доимо ҳашам билан безатилган. У ерда-



ги сандиқларга баланд қилиб тахланган кўрпалар терилган ва энг яхши тўқилган ва жун гиламлар тўшалган. Тўрнинг ўнг томонида эркаклар қисми, чап томонида аёллар қисми жойлашган. Болалар аёллар билан бирга яшашган. Улғайишгач, ўғил болалар эркаклар қисмига ўтишган.



Шанирақ – бу оила ёдгорлиги ва уни ҳар доим оила бошлиғи ёки уруғнинг бошлиғи бўлган эркак киши ўрнатган. Ўтовнинг қисмлари яроқсиз ҳолга келиб қолганда, шанирақдан бошқасини алмаштирганлар, у авлоддан авлодга ўтиб келган ва энг кичик ўғилга мерос қилиб қолдирилган. Шунинг учун меҳмонлар дастлаб акаларининг ўтовидан аввал унинг ўтовига киришлари шарт бўлган. Шанирақ – оила давраси ва қадрдон уй рамзи. Шанирақ ёғочларининг тўртта учи дунёнинг тўрт томонини кўрсатиб турган, шанирақ ромларидан кўриниб турган юлдузларнинг ҳолатига қараб қадимги кўчманчилар бир яйловдан бошқасига кўчиш вақтини аниқ белгилаганлар.

Шанирақнинг туйнуги орқали очиқ ўчоқдан тутун чиқиб кетган. Бундан ташқари, шанирақ турар жойни ёритиш учун дераза вазифасини ҳам бажарган. Тунда туйнукни намат қоплама – тундик билан ёпишган.



2017 йилдан давлатимиз бошлиғи ташаббуси билан «Рухани жанғиру» («Маънавий янгиланиш») дастури амалга оширила бошланди. Бу қозоғистонликлар ҳаётининг барча соҳаларига, шу жумладан, маданиятига ҳам тегишлидир. Интернет ва бошқа манбалардан бу дастур ҳақида қўшимча маълумотлар топинг. Унда маданий бойлигимизни кўпайтириш масаласи қандай ўрин эгаллайди?

## Қозоқ халқининг анъанавий гиламлари



1. Қозоқ халқининг анъанавий нақшларининг кўриниши ва номларини эсланг.
2. Улар ниманинг рамзий ишораси бўлиб хизмат қилади?



Ўтовнинг ичи анъанавий қозоқ гиламлари ва басқуралари – тўқилган тасмалари билан тўкис безатилган.

Ҳар бир қозоқ гилами тайёрланишнинг ўзига хос усулига эга. Ҳамма гиламларни иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин: **тўқилган** ва **наматлар**. Тўқилган тукли ва туксиз гиламлар махсус дастгоҳларда тайёрланади. Усталар керакли рангдаги йигирилган ипларни танлашади ва аввалдан аниқланган, қоидага кўра, геометрик орнамент бўйича нақш тўқийдилар.

Ўтовнинг деворларидан гумбазгача бўлган жойи кенг тасмалар – **басқуралар** билан безатилади. Шанирақдан пастга янада энсизроқ тасмалар – **баулар** туширилади. Улар ҳам деворга тўқилади.



Лекин ҳар ҳолда ўтовнинг асосий ички жиҳози бўлиб кигиз – жундан босиб қилинган қалин материал ҳисобланади. Қўйларнинг жундан тайёрланган кигиз аъло даражадаги сифатга эга бўлиб, иссиқликни яхши сақлайди, жазирамадан ҳимоя қилади, ишончли ва экологик тоза. Кигиздан маҳсулот тайёрлаш қозоқ халқининг қадимий ҳунаридир.

Қозоқ халқининг амалий ижодида гиламниг икки тури – сирмақ ва текеметлар жуда машхур. **Текемет** – ўтовнинг поли ёпиладиган гилам. У қуйидагича тайёрланади: махсус қамиш – чийдан ясалган бўйрага бир хил рангли юмшатирилган жун қатлами ёйилади, унинг устидан эса бошқа рангдаги жунлардан нақшлар солинади. Кейин жунга қайноқ сув сепилади. Бўйрани устига ёйилган жун билан бирга зич ўрам қилиб ўраб қўйилади, боғланади ва зич бўлгунича тирсак билан босиб текисланади.



Кигиз зич ва чидамли бўлгунича бир неча марта такрорланади. Булар асосий босқичлар, лекин ҳар бир вилоят, ҳатто туманнинг текемет тайёрлашда ўзига хослиги бор. Асосга нақш босилгани гиламга ўзгача кўркемлик бағишлайди. Текеметнинг чизиқлари ҳеч қачон аниқ бўлмайди, улар гўёки асосий фонга ёйилиб кетади, нақшнинг ранги асоснинг ранги билан нозик аралашиб кетади.




Бу текеметда қайси қозоқ нақшларидан фойдаланилган?

**Сирмақлар** ранг-баранг кигизлардан кесиб олинган нақшлардан мозаика ясаш усулида бажарилади. Бундай гиламларни яратиш учун турли рангдаги юпқа кигиздан икки қатлам олинган. Кигиз олдиндан турли рангларга бўялган. Авваллари уста аёллар фақат табиий бўёқлардан фойдаланишган: бўёқларни илдизлардан, гуллардан ва ўсимликларнинг



баргларидан, минераллардан тайёрлашган. Ҳозир кигиз бўяш учун сунъий бўёқлардан фойдаланишади. Турли рангдаги икки бўлак кигизни устма-уст (масалан, қора ва оқ) қўйишган, расм чизишган ва уларни бир вақтнинг ўзида икки қатлам қилиб қирқишган. Кейин қирқиб олинган нақшлар бир-бирига жойлаштирилган: оқ нақш қорасига ва аксинча. Қора ва оқ нақшларнинг қисмлари ўзаро улаб тикилган ва қалин кигиз асосига тикиб қўйилган. Тикилган жойлар кўпинча қарама-қарши чиройли рангдаги тасма билан беркитилган. Сирмақни полга солиш билан бирга деворларни безаш ва иссиқ қилиш учун ҳам ишлатишган. Сирмақлар учун анъанавий ранглар – оқ, қизил, қора. Лекин бошқа бирикувлардан ташкил топган бойроқ ранглар гаммаси ҳам учраб туради.





Тўқилган нақшли бўйра (чимчи) яратиш учун махсус қа-миш – чий керак бўлади. Чийнинг юпқа қамиш доналарини уста аёллар ҳар хил рангли жунларни аввалдан ўйланган орнаментга мувофиқ ўраб чиқишади. Кейин тайёр қамиш до-наларини ўзаро бирлаштириб тикиб чиқишади. Мустаҳкам ва чиройли нақшли бўйра шу тарзда ҳосил бўлади. Чимчининг ранглар бирикмаси жуда ёрқин ва баъзан кутилмаган бўлади.



1. Текемет, сирмақ, чимчиларни диққат билан кўриб чиқинг ва унда фойдаланилган нақшларни тасвирланг.
2. Нима деб ўйлайсиз, берилган гиламларнинг нақшларидаги шакл ва чизиқлар нима билан боғлиқ?

Кўрганингиздек, қозоқ миллий гиламлари фақат тайёр-ланиши билангина эмас, ташқи кўриниши бўйича ҳам ранг-барангдир. Агар сирмақлардаги расм аниқ, график бўлса, текеметларда улар гўё ёйилиб кетгандай, уни акварель билан қиёслаш мумкин.

Жун гиламлар ва чимчиларнинг нақшлари – геометрик ва зооморф (ҳайвон танаси қисмларини рамзий ифодалайди – қўчқор шохи, отнинг калласи ва бошқалар).

Гилам тайёрланаётган вақтда аёллар одатда қўшиқ куйла-шади, ҳазиллашишади, хурсандчилик қилишади. Яхши кай-фият маҳсулотнинг аурасига ўтади. Текемет яратиш таомили, шунингдек, авлоддан авлодга ҳам ўтади.

## ФЕТРДАН АЯҚҚАП ХАЛТАСИНИ ЯРАТАМИЗ



Нафақат гиламлар, балки қозоқ халқи усталарининг турмушда фойдаланиладиган бошқа маҳсулотлари ҳам ўзига хос ва чиройли бўлган.



1. Оилангизда миллий услубдаги маиший буюмлар борми?
2. Уларнинг яратилиши ҳақида нималарни биласиз?
3. Эҳтимол, бундай буюмларни бобо – бувингизда кўргандирсиз? Улардан бу буюмлар ҳақида сўраб билинг.

Қозоқ халқининг аяққап халтаси бир манзилдан бошқасига кўчиш вақтида идишларни сақлаш учун мўлжалланган. Идишлар эҳтиётлик билан уларни шикастланишдан асрайдиган йўл халталарига жойланган, улар узоқ йил ўз эгаларига хизмат қилган.



- Қозоқ халқининг анъанавий идишлари ҳақида нималарни билишингизни эсланг. Улар нимадан ясалган, нимага мўлжалланган, қандай номланган?



Аяққап халталари жундан, чармдан ёки қалин матодан тайёрланган. Улар миллий нақшлар ва орнаментлар билан безатилган. Нақшлар тикилган ёки аппликация техникасида бажарилган. Кўпинча бундай халталарнинг чеккалари попуқлар ва шокилалар билан безатилган.

Бундай халталарни қилиш сиз учун унчалик қийин эмас. Уриниб кўринг, сиз буни албатта яхши бажара оласиз!



Сизга керак бўлади: эскизлар тузиш учун қоғоз ва оддий қалам, рангли фетр (аъло нав юпқа наматсимон мато) ёки бошқа қаттиқ мато, қайчи, чизғич, рангли йигирилган ип, иплар, нина.



## ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ


1. Аввал қаламда халтанинг эскизини қилиб олинг. Бўлғуси халтангизнинг шакли, ранглар гаммаси, нақшлари ҳақида ўйлаб олинг. Ҳатто ишингизга кейин ўзгартиришлар киритсангиз ҳам, у сизга буни яхшироқ тасаввур қилишингизга ёрдам беради.



2. Халтангиз рангига мос келадиган ранглар гаммасини танлаб олинг.




3. Фетрдан андаза бўйича асос учун иккита бир хил яримталик қирқиб олинг.





Симметрик тасвир яратишнинг асосий усулларида бирини эсланг.

4. Аяққап халтасининг асосий нақши симметрик бўлиши керак. Симметрик тасвир қандай ҳосил қилинишини сиз билиб олгансиз, агар унутган бўлсангиз, фотосуратларга қаранг. Асосий нақшни аввал қоғозда қирқиб олинг.



5. Нақшни ёйинг. Агар у чиройли чиққан бўлса, тенг иккига бўлиб қирқинг. Фетрни иккига букланг, букилган чизигига нақшнинг яримталигини қўйинг, четидан чизик тортинг ва қирқиб олинг.

6. Нақшни ёйинг ва уни шаклнинг марказига қўйинг. Унинг ранги асосга нисбатан қандай уйғунлашаётганига эътибор беринг, унинг ўлчами ва шакли ҳақида мулоҳаза қилинг. Агар ҳаммасидан қониқсангиз, аяққап халтасини безатишда давом этинг.




7. Қўшимча нақшлар қирқиб олинг ва у халтани безатинг. Ишингизни эскиз билан солиштириб кўринг ёки импровизация қилинг, яъни жиҳозлашни иш давомида ўйлаб топинг. Агар композиция сизга ёққан бўлса, катталарнинг биридан ҳамма нақшларни асосга эҳтиётлик билан тикиб беришини илтимос қилишингиз мумкин. Аввал халтага банд тикиб, шу билан ишни якунласангиз бўлади. Агар сиз халтангиз янада чиройли бўлишини хоҳласангиз, шокилалар қилишингиз мумкин.

8. Тайёр асосни бошқа рангдаги фетр устига қўйинг ва халта шаклидан худди расмда кўрсатилгани каби 5 см катта шакл қирқиб олинг.

9. Ҳосил бўлган четларини шокила қилиб қирқиб чиқинг.

Халта қисмларини қуйидагича қилиб бириктириб чиқинг: пастга безатилмаган қисмни қўйинг, кейин шокилалли қисмни, энг устига безатилган қисмни қўйинг. Уйда катталарнинг биридан ҳамма қисмларни бир қилиб, тепасини очик қолдириб тикишда ёрдам сўранг. Сизда икки бўлмали халта ҳосил бўлди.

10. Иплардан боғич ясанг. Аввал керакли узунликни ўлчаб олинг, у халтанинг периметридан тўрт баробар катта бўлиши керак. Тўқиш учун йигирилган ипни олти марта букланг. У ёғига сизга ёрдамчи керак бўлади. Букланган ипларнинг бир учини бир томонга, иккинчи учини қарама қарши томонга айлантириш керак бўлади. Ип маҳкам ўралиб бўлганидан сўнг, ўртасидан тутиб ва шу жойидан маҳкам ушлаб, икки учи бирлаштирилади. Ипнинг ўзи боғич бўлиб ўрилади. Ипдан кокил ёки тасма ўриб олишингиз мумкин. Кейин катталардан уни расмда кўрсатилгани каби боғич ҳосил бўлиши учун четларига тикиб беришни илтимос қилинг.



## БУВИЖОНЛАР САНДИҒИНИНГ ХАЗИНАЛАРИ

### Қозоқ халқининг миллий аёллар либослари

Қадимда бувижонларнинг сирли сандиқларида тантанали маросим ёки байрамларда кийиладиган либослар сақланган. Қозоқ халқининг кийимлари ва безаклари ўзига хос ва жуда чиройли бўлган. Келинг, бувижонлар сандиғига назар соламиз ва унда нима сақланаётган бўлса, ҳаммасини диққат билан кузатамиз. Ишонаверинг, сиз у ердан анчагина қизиқ буюмлар топасиз.

Аёллар кийимлари ва безаклари алоҳида гўзаллиги билан ажралиб турган. Кийим учун асосий материаллар мўйна, чарм, уй ҳайвонларининг ишлов берилган жуни – наMAT ва қўлда тўқилган қалин матолар бўлган. Кейинроқ савдо алоқаларининг кенгайиши билан анча қимматроқ материаллар – шойи, атлас, барқутлардан фойдаланила бошланган.

Асосий аёллар кийими кўпинча уст кийим вазифасини бажарадиган, пасти кенг бурмалар билан безатилган, тугмалари қадалмайдиган узун кўйлақлар бўлган. Кўйлақ устидан қозоқча нақшлар билан қалин матодан тикилган камзул кийилган. Йилнинг совуқ фаслида аёллар иссиқ кийим – чопонлар кийишган.



Г. Исмаилова. «Қиз Жибек» фильмига эскизлар

Қишда аёллар пўстин – тўн кийишган. Ҳайвонларнинг жунидан тикилган пўстинлар мовут билан қопланган ва нақшлар тикиб чиқилган. Келиннинг сепида албатта пўстин – бас тўн бўлган. Аёллар кийими қизларникига қараганда соддароқ бўлган. Фарзанд туғилганидан сўнг аёллар кимешек – бўйин ва елкани ёпиб турадиган бош кийим кийишган. У оқ матодан тикилган ва рангли, кумуш тилла иплар билан нақшлар тикиб безатилган. Ёш аёлларнинг кимешеклари қарияларникига нисбатан ҳашамдорроқ қилиб безатилган. Лекин энг қиммат ва чиройли либос, шубҳасиз, келинники бўлган. Энг тантанали пайт келиннинг бошига тўй бош либоси – саукеле ва махсус ёпинчиқ – желек кийдирилган.



*Б. Заурбекова.*  
Саукеле кийган қиз



Саукелени кўпинча қиз бола туғилганидан бошлаб тайёрлаша бошлашган, чунки уни тайёрлаш қунт билан қилинадиган ишни ва кўп маблағни талаб қиларди. Саукеленинг баҳоси баъзан бир неча ўнлаб туянинг нархига етарди. Саукелени барқут, парчалардан қилишган ва марваридлар, қимматбаҳо тошлар билан, ёмон руҳлардан асровчи тумор бўлиб хизмат қиладиган чаккага тақиладиган кумуш солинчоқлар билан безатишган. Бош кийимнинг энг тепасига укки ёки бургут патлари қадалган. Саукелени доимо ён томондаги узун солинчоқлар – жақтау тўлдириб турган, унинг сони ва узунлиги келиннинг бойлигига боғлиқ бўлган. Саукеленинг узунлиги ҳам аҳамиятга эга бўлган: саукеле қанчалик баланд бўлса, келин шунчалик бой бўлган.

## Қозоқ халқининг миллий эркаклар либоси



Замонавий Қозоғистон аҳолиси кундалик ҳаётда бутун дунёдаги одамлар сингари европа кийимларини кийишади. Лекин бошқа халқлар каби қозоқ халқининг ҳам бир неча асрлар давомида шаклланган ўз анъанавий либослари бор.

Қозоқ халқи – об-ҳавоси оғир иқлимга эга бўлган мамлакат аҳолисидир. Ёзда жазирама, қишда совуқ ва шамол, айниқса, чўлларда. Вақтларини асосан табиатда ўтказадиган кўчманчи қозоқлар баъзан иқлимнинг шиддатли феълидан ҳимояланишлари керак бўлган.

Тўн – иссиқ қўй терисидан тикилган катта ёқали бўлиб, унда бош билан ўраниш мумкин бўлган, қишки вақтларда ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган кийим. Бадавлат қозоқлар унинг устидан барқут қоплашган, нақшлар тиктиришган.

Илиқроқ пайтларда эркаклар аёллар каби чопонлар кийишган. Аёлларникидан фарқли равишда улар тўғри бичимда бўлган. Ёз кунларида чопон кундузи иссиқдан, кечаси совуқдан асраган. Чопонларни оддий одамлар учун оддий матолардан, бойларнинг чопонларини эса энг нафис наматлардан тикишган. Бойлар ва аслзода одамларнинг ипак ва тилла билан тикилган чопонлари ҳақиқий санъат асари бўлган. Уларнинг кўпчилиги ҳозиргача музейларда сақланади. Бой – бадавлат одамлар қимматбаҳо матолар, безаклар ва зеб-зийнатларни ўзларига эп кўрганлар. Лекин турли гуруҳ вакилларининг кийимлари фақат бу билан фарқланмасди. Кийимларининг баъзи қисмлари, масалан, бош кийимлар инсоннинг айнан қайси ижтимоий гуруҳга тегишлилигини аниқлаб берарди. Қозоқ халқининг бош кийимини ёши, жинси ва жамиятда тутган мавқеига қараб ажратиш мумкин.




Тимақ – иссиқ тулки терили қулоқчин телпак – орқанинг тепасини беркитган ва олди-дан ёки орқадан боғланган. Бу қозоқларнинг қулай ва ишончли қишки кийимларидан бўлган. Айтгандай, тимақлар ҳозирги кунгача катта авлод вакиллари орасида бўлгани каби ёшлар орасида ҳам машҳур.



Ёзда эркаклар тўқ нақшли оқ наमतдан енгил шапка – қалпоқ ёки оқ қалпоқ кийганлар. Бу бош кийим халқ ичида ҳозирги кунгача машҳур, чунки ёзда жазирама қуёшдан асраса, қишда иссиқни яхши сақлайди.


Ҳамма эркаклар ҳам, аёллар ҳам, болалар ҳам кийиши мумкин бўлган универсал бош кийимлар ҳам бор эди. Бу тақя (дўппи) – кичкина ёзги шапкача ва бўрк – қишки ва ёзги четига мўйна тикилган юмалоқ шапка. Бу шапкалар барқутдан, духобадан, атласдан ва оддийроқ матодан тикилган ва нақшлар билан безатилган. Аёллар ва болаларнинг тақя ва бўрклари қушлар патидан қилинган туморлар билан безатилган. Эркакларники қоидага кўра одмироқ бўлган.



Қадим замонлардан қозоқларнинг бош кийимга муносабати алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Ўз бош кийимини бировга совға қилиш ёки кийишга бериб туриш мумкин бўлмаган, у ҳолда уйдан бахт кетади деб ҳисоблашган. Бош кийимни тўнкарилган ҳолда қўйиш ёки орқасини олдига қилиб кийиш мумкин бўлмаган. У ўтовнинг энг баланд жойи – фахрли қисмида сақланиши керак бўлган.

## Қозоқ миллий заргарлик безаклари

Бувижоннинг сандиғида гўзалликда бошқаларга ўхшамаган заргарлик безаклари ҳам сақланади. Қозоқ аёллари зебзийнатларни кичик ёшдан бошлаб бутун умрлари давомида таққанлар. Безаклар аёлларга зеб берибгина қолмай, уларни қўриқлайди, деб ҳам ҳисобланган. Қозоқ уста-заргарлари турли-туман заргарлик усулларини билганлар. Улар кумушни қорайтирганлар, нақшлар босганлар, аксар ҳолларда скань (металлга ингичка симдан нақшлар кавшарлаганлар), зернь (худди сканга ўхшаш усул, фақат безакнинг устига кичкина металл шарчалар кавшарланган) усулларини қўллашган.



Кўп безакларда чеканка (ўйма нақш) – нақшни махсус асбоб билан ўйиш усули қўлланган. Шу тариқа заргарлик буюмлари ҳар доим ҳашамдор қилиб безатилган. Нақшларда геометрик, (солярний)мусиқага оид, зооморф ва ўсимликлар мавзусидан фойдаланилган.

Салмоқли ва кўламликларидан бирлари кўкрак безаклари – онержиек (йирик пластиналар ўзаро бирлаштирилган маржон – зебигардон) ва блезик (доиралар ва гардиш занжир бўлиб бириккан билагузук) бўлган.



2004 йилдан бошлаб Қозоғистонда «Мадени мура» («Маданий мерос») давлат дастури амалга оширила бошланди, унинг энг муҳим йўналишларидан бири – миллий маданий меросни ўрганиш. Сиз ўзингиз ҳақингизда бу дастурнинг иштирокчисиман дея оласизми? Мамлакатингизнинг маданий мероси ҳақида нималарни биласиз?

Машҳур байрамона безакларга шолпи (чўлпи) ва шашбау (сочбоғ) – соч ва чакка безаклари киради. Бу безакларнинг майда қисмлари ингичка занжирлар билан бирлаштирилади. Қиз юриб кетаётганида бу кумуш безаклардан дашт бўйлаб қувноқ оҳанг таралган. Лекин чўлпи ва сочбоғлар фақатгина безак бўлмаган – улар, шунингдек, қозоқ либосларининг кўп қисмлари каби ёш қизлар учун тумор вазифасини ўтаган.



Чарм туморлар ҳам – қизлар ҳимояланиш учун тақиб юрган тумор учун кичик ғилофлар, худди шундай вазифани бажарган.

Туморлар босма нақшлар билан безатилган.



Кумуш – қозоқ халқининг энг севимли метали. Бола туғилганидан қирқ кун ўтганидан сўнг, чўмилтириш маросими ўтказилган, бунда сувга кумуш узуклар, билагузуклар, тангалар ташлашган ва бу жараёнда: «Боланинг умри кумушдай ёрқин бўлсин», – дейишган. Қиз бола учун сеп йиғиш шундай бошланган. Унаштирилган қизнинг қулоғига кумуш зираклар тақишган. Буни кўрган ҳар ким қизнинг тезда турмушга чиқишини тушунган. Зираклар ҳимояланиш мақсадида феруза, сердолик (ярим қимматбаҳо тош), маржонлар билан безатилган. Зиракларга қараб, шунингдек, қизнинг ота-онасининг моддий аҳволи ҳақида билиб олиш мумкин эди.



## ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ УСЛУБИДА ЗАРГАРЛИК БЕЗАКЛАРИНИ ЯРАТАМИЗ

Сиз бугун ўзингизни заргарлик ишлари устаси сифатида си-  
наб кўрасиз ва анъанавий қозоқ заргарлик безакларининг наму-  
наларини яратишга уриниб кўрасиз. Албатта, сиз яратган нар-  
сани ҳақиқий безак дейиш қийин – бунинг учун кўп мураккаб  
материаллар: ҳозирча сизга топиш қийин бўлган қимматбаҳо  
металлар ва тошлар билан ишлашни кўп ўрганишингиз керак.  
Лекин безакнинг шаклини ўйлаб топиш, унга нақшлар танлаш,  
уларни безатиш жараёнида сиз ўзингизни заргарлик ишлари  
устаси – заргар деб ҳис қилишингиз мумкин. Ким билсин,  
эҳтимол, сизга бу машғулот ёқиб қолар ва катта бўлганингизда,  
ўзингизга айнан шу қизиқарли касбни танласиз.



1. Бир нечта анъанавий қозоқ заргарлик безакларини айтинг.
2. Улар нимага мўлжалланган?



Сизга керак бўлади: қоғоз, қалам, қалин зар қоғоз (фольга),  
нақшлар босиш учун турли қалинликдаги учлари қиррали  
бўлмаган симлар (тўқиш учун спица) ва бошқа ҳар қандай пред-  
метлар, шунингдек, ишни жиҳозлаш учун қалин картон ва рамка.




### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ

1. Безагингизнинг эскизини чизиб олинг.  
Унинг нима бўлишини – зирак, чўлпи, зеби-  
гардон (онержиек) қисмлари ёки бошқа миллий  
безакларини аниқлаб олинг.

2. Сизга зарур ўлчам ва ҳажмда эскизга  
мос равишда зар қоғоздан бўлак қирқиб олинг.  
Йложи борича зар қоғознинг қалинидан танлаш  
керак, шунда у билан ишлаш осон бўлади.

3. Зар қоғоз текис бўлиши учун қошиқнинг  
орқа томони ёки бошқа текис предмет билан  
силлиқланг.



4. Зар қоғозни қалин журнал ёки компьютер сичқончасининг гиламчаси устига қўйинг, зар қоғоз устига эскизингизни қўйинг ва учи кескир бўлмаган ҳар қандай ингичка предмет билан эскиз расмини унга босиб туриб айлантриб чиқинг.



5. Эскизни олинг, нима ҳосил бўлганлигини кўринг. Энди зар қоғознинг ўзига расмнинг чизиқлари бўйлаб чуқурроқ қилиб яна бир марта айлантриб чиқинг. Зар қоғоз йиртилиб кетмаслиги учун қаттиқ босиб юборманг.




6. Зар қоғозни ўғиринг ва расм янада бўртиб туриши учун босилган чизиқларнинг ёнидан яна параллель чизиқлар ўтказинг.



7. Ишингизни кўриб чиқинг ва янада майдароқ қисмлар билан безатиш керак ёки керакмаслигини ҳал қилинг. Зарурий қўшимчаларни бажаринг.

8. Ишингизни эскиз шаклида қирқиб олишингиз мумкин. Бу ҳақиқий безак эмас, балки намуна бўлгани учун уни чиройли безатиш ва безак сифатида деворга илиб қўйиш мумкин.



## ТАҚДИМОТ, ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА



1. Ўтовнинг ички жиҳозлари ҳақида гапириб беринг.

2. Қозоқ халқининг анъанавий аёллар ва эркеклар либосларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималарни айтиб бера оласиз?

3. Ёш қизлар билан ёши катта аёлларнинг кийимлари орасида фарқ бор эдими?

4. Анъанавий заргарлик безаклари тўғрисида гапириб беринг. Заргарлар кимлар?

1. Аяққап халтаси нима учун зарур эди?

2. Сиз бу ишни қандай материаллардан яратдингиз? Ундан қандай фойдаланасиз?

3. Безаклар яратиш устида ишлаш сизга ёқдими?

4. Агар сиз ҳақиқий безак ясай олсангиз, уни кимга совға қилган бўлардингиз?

**СИРМАҚ ТЕКЕМЕТ  
АЯҚҚАП ЗАРГАР**

## 4. КАСБЛАР ДУНЁСИ

Бу бўлимни ўрганишда сиз

### ЭСЛАЙСИЗ:

- чизиқ ва штрихнинг ифода имкониятлари ҳақида.



### БИЛИБ ОЛАСИЗ:

- рассомлар турли касбларни қандай тасвирлаганликлари ҳақида;
- предметларнинг кўламини етказишда чизиқ ва штрихнинг аҳамияти тўғрисида.



### ЎРГАНАСИЗ:

- кўламли график тасвирлар яратишни;
- «Касблар дунёси» мавзуси бўйича аралаш усулда натюрморт яратишни;
- янги атамани рус, қозоқ, инглиз ва ўзбек тилларида талаффуз қилишни.



**смешанная техника  
аралас тәсіл mixed  
technique  
аралаш усул**

## КАСБЛАР ДУНЁСИ ТАСВИРИЙ САНЪАТДА

Рассомлар ўз полотноларида иш билан машғул одамларни тез-тез тасвирлаб турадилар. Маиший жанрдаги бундай портретлар ва асарларни томоша қилиш, айниқса, қизиқарли. Ахир одамнинг фақат ташқи қиёфаси, унинг характери, кайфиятинигина эмас, балки унинг касби, касбининг нимадан иборат эканлиги, одамларга қандай фойда келтириши ҳақида билиб олишингиз мумкин. Ўтган асрлардаги усталарнинг расмларини томоша қила туриб, ҳозирги кунда йўқ бўлиб кетган касблар тўғрисида ҳам билиб олишингиз мумкин.



1. Бу расмларни кўриб чиқинг. Улар сизга нима тўғрисида ҳикоя қилиб бера олади?

2. Бу асарларда тасвирланган одамлар нима билан шуғулланаётганлигини қайси деталлар кўрсатиб турибди?



А. Аканаев. Жарроҳ  
Кунеев портрети



З. Серебрякова. Ўрим-йиғим




А. Муратбаев. Шебер (Чевар)



Д. Венхвядзе. Синтез

?!

1. Бу портрет билан сиз 3-синфда танишгансиз. Бу асарнинг яратилиш тарихини эсланг.
2. Бу ёш одамлар кимлар? Улар нима билан шуғулланишади?
3. Бу портретнинг муаллифи ким?



*А. Эдельфельт. Кир ювувчилар*



*Л. Бреслау. Ҳайкалтарош  
Ж. Карренинг ўз  
устахонасидаги портрети*

?!

1. Бу касбларнинг қайсиниси замонавий, қайсилари ўтмишда қолган, қайсилари сақланиб қолган, лекин жуда ўзгарган? Нима деб ўйлайсиз, нима учун бу содир бўлган?
2. Ота – онангининг касби нима?
3. Улғайганингизда ким бўлишни хоҳлайсиз ва бўлғуси касбингиз ҳақида нималарни билиб олгансиз?



*В. Крылов. Қарағанди шахтачилари*



Интернет ва бошқа манбалардан ижодий касб эгалари: рассом, ҳайкалтарош, меъмор, дизайнерлардан биттаси ёки иккитаси ҳақида маълумот топинг. Уларнинг таржимаи ҳоли, асарлари билан танишинг. Маълумотларингизни дўстларингиз билан бўлишинг.

## НАТЮРМОРТ КАСБЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ



1. Натюрморт нима эканлигини эсланг.
2. Рассом учун бу жанр нимаси билан қизиқ?

Натюрморт жанрида рассомлар жонли ва жонсиз табиатнинг энг турли – туман объектларини тасвирлашади. Рассомлар баъзи натюрмортларда предметлар ва улар ясалган материалларнинг гўзаллигига алоҳида эътибор қаратишади. Улар бу гўзалликларни жуда диққат билан чизишади, ундаги ҳамма нарса – шойи мато ҳам, тўр ҳам, металл идишларнинг ярқираши ҳам, бахмалсимон шафтолилар ҳам, ширали олчалар ҳам ҳақиқийдек кўринади. Улар гўёки томошабинни ўзларидан завқланишга чақиривади: «Бизларга қаранг – биз қандай чиройлимиз!» Томошабин холстда тасвирланган гўзалликдан мамнуният билан завқланади.



*В. Хеда.* Натюрморт



*Ф. ван Дейк.* Пишлоқ тасвирли натюрморт

Бошқа натюрмортларда нарсалар ўзлари тегишли бўлган одамлар ҳақида ҳикоя қилиб бераётгандай бўлади. Маълум бўлишича, рассомлар касблар ҳақида нафақат портрет ва маиший жанрларда, балки натюрморт жанрида ҳам ҳикоя қилиб бера олишади.

Кўпинча натюрморт жанрида инсоннинг касби ҳақида портретдагидан кўра кўпроқ айтиб беришга эришилади. Ва бу ҳайратланарли эмас, ахир маълум бир иш билан шуғулланиш деярли ҳамма вақт инсон фойдаланаётган аниқ предметлар билан боғлиқ бўлади. Дарсликлар, кўрсатгич таёқча, дафтарлар тахламини кўрсангиз, бу нарса – буюмлар албатта ўқитувчига тегишли эканлигини биласиз. Мана шу сабаб билан рассомлар кўпинча турли касбдаги одамлар тўғрисида ҳикоя қилиш учун натюрморт яратишади.

Тарихан натюрмортнинг икки тури шаклланган.

1. Ўзи ҳақида, ўзининг хусусиятлари тўғрисида ҳикоя қилаётгандай кўринган чиройли буюмларни тасвирловчи натюрмортлар.

2. Буюмлар ўзи тегишли бўлган одамлар ҳақида ҳикоя қиладиган натюрмортлар.



1. Ота-онангизнинг касби ҳақида ҳикоя қилиш учун қандай натюрморт яратган бўлардингиз?

2. Бўлғуси касбингиз ҳақида ҳикоя қилиш учун натюрмортга қандай буюмлар танлаб олган бўлардингиз? Жавобингизни асосланг.



*П. Кончаловский.*  
Қуруқ буюқлар



*О. Розанова.*  
Қутича



*У. Гарнетт.* Қадимги  
замон буюмлари



*В. Фаворский.* Натюрморт



1. Бу натюрмортларни диққат билан кўриб чиқинг. Улар икки хил натюрмортнинг қайси бирига тегишли?

2. Бу буюмлар қайси касбдаги одамларга тегишли бўлиши мумкин?

3. Бу касбдаги одамларга тегишли яна қандай предметлар орқали натюрмортларни тўлдириш мумкин?

## ТУРЛИ ПРЕДМЕТЛАРНИНГ КЎЛАМИНИ ЕТКАЗИШДА ЧИЗИҚ ВА ШТРИХНИНГ АҲАМИЯТИ

Сизни кўламли предметлар ўраб турибди, қоғоз варағи эса, маълумки, текис. Рассомлар улар текисликда тасвирлаётган турли предметларнинг кўламли бўлиб кўринишига қандай қилиб эришишади? Агар кўламли предметларни тўғри чизиқлар билан штрихлаб чиқилса, улар текис бўлиб кўринади.



Лекин маълум бўлдики, кўлам иллюзиясига (кўринишга) чизиқлар ва штрихлар ёрдамида эришиш мумкин экан. Юқори синфларда сиз турли предметларни қуришни ва уларнинг кўламини чизиқлар, штрих ёрдамида нур ва сояни кўрсатиш орқали беришни ўрганиб оласиз. Ҳозирча эса, келинг, кўзадаги чизиқларни унинг шаклига мос равишда давом эттиришга ҳаракат қиламиз.



1. Тўртта кўзанинг қайси бири сизга кўпроқ кўламли бўлиб кўриняпти?
2. Ниманинг ёрдамида кўзаларнинг кўламини кўриняпти?

Мураккаб бўлмаган алоҳида предметларни чизиқлар билан унга кўлам бериб чизишга уриниб кўриш мумкин. Турли характердаги чизиқлардан фойдаланиб, натюрморт чизиш мумкин.



Шу кунгача сиз чизиқлар ёрдамида натюрморт яратишга ҳаракат қилдингиз, қора ва оқ рангларнинг қизиқарли бирикувини кўрсатдингиз. Янги билимлар турли предметлар шакли ва кўламининг ўзига хослигини чизиқлар ёрдамида кўрсатишда сизга ёрдам беради. Чизиқлар хусусиятларини ва уларнинг юқорида берилган натюрморт ҳамда пастдаги расмларда акс этган предметларнинг шакли билан боғлиқлигини аниқлашга ҳаракат қилинг.





1. Штрихнинг нима эканлигини ва у чизиқдан нимаси билан фарқ қилинишини эсланг.
2. Штрихлар ёрдамида нимани тасвирлаш мумкин?



Сиз график рассомнинг ёрдамчилари – чизиқ ва штрих борлигини билиб олгансиз. Агар сиз расмларингиздаги чизиқни штрих билан тўлдирсангиз, шунда сизнинг ишингиз янада ифодалироқ ва кўламли бўлади. Қаранг, чизиқ ва штрих ёрдамида бу содда буюмларнинг кўлами қандай яратилади.



Рус рассоми М. Врубель чизиқ ва штрих билан моҳирона ишлайди. Ҳар бир чизиқ, ҳар бир штрих нафақат предметнинг шаклига унинг кўламини кўрсатган ҳолда тўппа-тўғри тушади, балки предмет ясалган материалнинг хусусиятларини ҳам кўрсатади. Шундай қилиб, биз графин – шишадан, шамдон – оғир металлдан, раманинг четлари – ёғочдан қилинганлигини кўрамыз.



Рассом Д. Митрохин расмларига диққат билан қаранг. Чизиқ ва штрихларнинг характериға эътибор беринг. Улар предметларнинг шаклини, фактураларининг ўзига хослигини кўрсатишга ёрдам берадими? Тўлиқ жавоб беринг.



## НАТЮРМОРТ ТУЗИШ САНЪАТИ

Рассом натюрморт устида ишлашни уни тузишдан бошлайди. У турли предметларни танлаб олади, уларни қиёслайди. Бир-бирига кўриниши жиҳатидан, ранг жиҳатидан тўғри келадиганини ва рассомнинг ниятига мувофиқларини танлайди.

Кейин натюрморт композициясини тузишни бошлайди. У предметларни ҳар хил ҳолатда қўйиб кўради, уларни таққослайди ва анча ифодалироқ композицияни излайди.

Қаранг, натюрмортда предметларни қай тарзда ҳар хил қилиб жойлаштириш мумкин. Ҳосил бўлган композицияларни қиёслашга ҳаракат қиламиз.



Биринчи композицияда натюрмортнинг барча предметлари бир чизиқда, бир-биридан алоҳида жойлашган. Бу ҳолатда композиция чўзилган ва ланж кўринади.



Энди иккинчи композицияда предметлар гуруҳланган ва бу ҳолатда у анча қизиқарлироқ кўринади. Лекин натюрморт худди қисмга ажралганга ўхшайди. Баланд гулдон майда ва паст бўлганлиги учун бошқа предметлар билан мос тушмаяпти.



Учинчи натюрмортда предметлар анча қизиқарлироқ қилиб жой-жойига қўйилган. Тақсимча (тарелка) тик турибди, у бошқа предметларни бир гуруҳга бирлаштиряпти. Гўё улар ўртасида суҳбат кетаётгандай туюлади.



**Тўртинчи натюрмортни диққат билан кузатинг. Уни ҳаммасидан кўра муваффақиятли деб ҳисоблаш мумкинми? Жавобингизни изоҳланг.**

Рассомларнинг натюрмортларини кузата туриб, предметларнинг қандай жойлашганига эътибор қаратишга ҳаракат қилинг. Ўзингиз ҳам натюрморт устида ишлаётганингизда, имкони борича ифодалироқ композиция топишга ҳаракат қилинг.

## АРАЛАШ УСУЛДА НАТЮРМОРТ ЯРАТАМИЗ

Бу натюрмортни яратиш жараёнида сиз композиция, ранг ва расм юзасидан олган барча билимларингизни умумлаштиришингиз керак бўлади. Натюрморт ҳақида, унинг ўзига хос хусусиятлари нима ҳақида айтиб бера олиши тўғрисида ҳамма билганларингизни ёдга келтиринг. Бу натюрмортда бир қизиқарли касб ҳақида айтиб беришингиз лозим бўлади. Қандай? Касбни ўзингиз ҳам танлай оласиз.



Сизга керак бўлади: шакл қирқиб олиш учун рангли қалин қоғоз, бошқа табиий ва сунъий материаллар, қайчи, қора фломастер, елим, асос учун қалин рангли қоғоз (А4 ўлчам).

### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ



1. Натюрмортда қандай касб ҳақида айтиб бермоқчилигингизни, қандай предметларни тасвирламоқчилигингизни ўйлаб олинг.

2. Композициянинг ўлчами ва ҳажмини (формат) аниқлаб олинг: у тик, ётиқ ва квадрат бўлиши мумкин.



3. Ўзлаштирган билимларингизни эътиборга олиб, натюрмортнинг композициясини ўйлаб чиқинг.



4. Натюрмортнинг ранглар гаммасини аниқланг.

5. Агар симметрик тасвир ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, унинг қандай қилинишини эсланг. Бир нечта ўзингизга керакли шаклларни қирқиб олинг.



6. Рангли қоғознинг орқа томонига оддий қоғоздан қирқиб олинган симметрик андазаларни (шаблон) айлантириб чизинг ва уларни қирқиб олинг.

7. Қирқиб олинган шаклларга чизиқ ва штрихларни шундай чизингки, у предметга кўлам берсин ва шаклини намоён қилсин.



8. Ўйлаганингизга мос равишда қирқиб олинган шакллардан композиция ясанг.

9. Композицияни диққат билан кўриб чиқинг, агар у сизни тўлиқ қаноатлантирса, ҳамма қисмларни эҳтиётлик билан асосга ёпиштириб чиқинг. Олдинги ва орқа пландаги предметларнинг жойлашувига эътибор қаратинг. Олдинги пландаги предметлар орқадагини қисман тўсиб қўйиши мумкин, лекин акси эмас.



1. Бу натюрмортлар қайси касб ҳақида ҳикоя қилади?
2. Қайси предметлар сизга жавобни топишда ёрдам берди?
3. Ўқитувчилик касби учун қайси предметларни танлаган бўлардингиз?

## ТАҚДИМОТ, ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА

1. Нима деб ўйлайсиз, буюмлар инсоннинг касби ҳақида айтиб бера оладими?

2. Тасвирий санъатнинг қайси жанрида касблар ҳақида айтиб бериш мумкин?

3. Қайси касбларсиз яшаб бўлмайди? Жавобингизни асосланг.

4. Қайси касблар сиз учун кўпроқ қизиқарли туюлади?



1. Натюрморт ҳақида қандай янгиликларни билиб олдингиз?

2. Расмдаги кўлам тасавури ниманинг ёрдамида яратилади?

3. Натюрморт композициясини қандай тузганлигингизни гапириб беринг. Натюрморт учун предметларни танлаш нимага боғлиқ эди?

4. Аралаш услубда ишлаш сизга ёқдими?


### АРАЛАШ УСУЛ (ТЕХНИКА)

## 5. ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ

Бу бўлимни ўрганишда сиз

### ЭСГА ОЛАСИЗ:

- рангнинг нима ҳақида айтиб бера олишини;
- рангнинг туслари нима эканлигини.




### БИЛИБ ОЛАСИЗ:

- рассомлар рангтасвир ва график воситалар ёрдамида турли табиат ҳодисаларини қандай тасвирлашлари ҳақида.



### ЎРГАНАСИЗ:

- турли табиат ҳодисаларини тасвирлаш учун ранглар гаммасини танлашни;
- турли жанрларда табиат ҳодисаларини тасвирлашни;
- янги атамани рус, қозоқ, инглиз ва ўзбек тилларида талаффуз қилишни.





природные явления  
табиғат қўбылыстары  
natural phenomenon  
табиат ҳодисалари


## МАВСУМИЙ ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ



1. Дунё таниш дарсларида табиат ҳодисалари ҳақида нималарни билиб олдингиз?
2. Табиат ҳодисаларидан қайсиниси инсон учун хавфли бўлиши мумкин?
3. Қандай йил фасларини биласиз? Мавсумий табиат ҳодисалари нима?
4. Табиат ҳодисаларининг баъзиларини айтинг.
5. Қуйидаги ранглар гаммаси қайси фаслга ва қандай об – ҳавога мос келади?



Пастдаги белгиларга қаранг, уларда қандай табиат ҳодисалари тасвирланганини айтинг. Улар қайси фаслларга хос? Қайси табиат ҳодисалари сизга ёқади? Уларнинг қайсиларини расмларингизда тасвирлагансиз?



1. Иссиқ ранглар қандай ҳислар уйғотишини, совуқлари эса қандай ҳисларни юзага келтиришини эсланг.
2. Ёмғир, қор, иссиқ шамол, шимол ёғдусини тасвирлаш учун қандай ранглар гаммасини танлаган бўлардингиз?

## Рассомлар томонидан мавсумий табиат ҳодисаларининг тасвирланиши

Рассомлар пейзаж яратишаётганларида, кўпинча у ёки бу мавсумий табиат ҳодисаларини тасвирлашади. Табиатдаги ўзгаришларни, ранглар ва ёруғликнинг алмашинишини кузатиш уларга ёқади. Атрофдаги оламга эътиборли муносабат, билим ва малака рассомларнинг ифодали ишлар яратишларига имкон беради.



1. Қуйидаги суратларни кўриб чиқинг ва рассом пейзаж тасвирида нима ҳақида ҳикоя қилишини айтинг.
2. Бу суратларда қайси табиат ҳодисалари тасвирланган? Бу ҳодисаларни етказишда ранглар қандай аҳамиятга эга?



*Ф. Васильев.*  
Момақалдиروق одидан



*И. Грабарь.*  
Қиров



*А. Хиросиге.*  
Пейзаж



*Ж. Моне.*  
Вестминстер аббатлиги

## РАНГНИНГ ЁРУҒЛИК МИҚДОРИГА БОҒЛИҚЛИГИ

Агар сиз кузатувчан бўлсангиз, предметлар сутка вақтига ва об-ҳаво ҳолатига боғлиқ ҳолда рангларини ўзгартиришини, эҳтимол, пайқагандирсиз.



Сутканинг қайси пайтида ёруғлик кўпроқ, қайси пайтда – ҳаммасидан кўра камроқ?




Турли рангдаги икки -уч хил предметни олинг, масалан, оловранг апельсин, қизил китоб ва кўк шар. Уларнинг рангига чарақлаган қуёшда, кечқурун ва қош қорайганда яхшилаб қаранг. Қачон ранг энг кўп тўйинган бўлиб қачон тўйинмаган бўлиб кўринади.



Олдингизда француз рассоми Камиля Писсарронинг учта

асари турибди. Улар композициясига кўра деярли бир хил ва уларнинг ҳар бирида Париждаги Монмартр бульвари тасвирланган. Лекин об-ҳавонинг ҳолати худди ранглар гаммасидек фарқланади. Рассом ҳар бир суратида сутканинг қайси вақтини, об-ҳавонинг қандай ҳолатини тасвирлаганини аниқлашга ҳаракат қилинг.






Бу фотосуратларда ҳам сиз аввалгидай айнан битта шаҳарнинг пейзажини кўряпсиз. Бу Алмати туманларидан бири. Диққат билан кузатинг ва бу фотосуратларда сутканинг қайси вақти тасвирланганини аниқланг.



Сутканинг ҳар хил вақтларида айнан бир хил пейзажнинг бир нечта расмларини олинг. Расмларни ишчи альбомингизга ёпиштиринг ва суратга олиш вақтига боғлиқ ҳолда ранглар гаммаси қандай ўзгараётганлигини таҳлил қилинг. Ҳар бир фотосурат остига тегишли ёзувни қайд қилинг.





Тўйинган ва тўйинмаган ранглар гаммаси ёрдамида нималарни тасвирлаш мумкинлигини эсланг.



Эрталаб субҳидам пайтида барча предметлар салқин кўкимтир тус олади. Предметларнинг ранги узоқдан оч тўйинмаган бўлиб туюлади.

Ёруғ кунда қуёш чиққанидан сўнг, барча предметлар очиқ ҳавода ёрқин тўйинган рангга киради. Сояда предметларнинг ранги тўқ тўйинмаган бўлади.



Кечқурун қуёш пасаяди, ёруғлик камаяди, предметларнинг ранги тўйинганликни йўқотади, янада тўқроқ бўлади, қайта совуқ тус олади.




Тунда пейзаждаги предметларда фақат ўта тўқ тўйинмаган ранглар кўпроқ бўлади.



Демак, биз предметларнинг ранглари сутканинг турли вақтларида, турли об-ҳавода ўзгариб туради деб хулоса қиламиз. Предметларнинг ранглари қуёшли кунда кўпроқ тўйинган бўлади. Булутли об-ҳавода, қуёш қора булутлар орқасига яширинганда, эрталаб-қуёш ҳали уфқдан кўтарилмаганда ёки кечки пайтда у уфқ орқасига ботганида, предметлар рангларнинг тўйинганлигини йўқотади. Сиз ҳаммаси предметларнинг қуёш нури ёки сунъий ёруғлик билан қай даражада ёритилганлигига боғлиқлигини, албатта, тушуниб олгансиз.



1. Қуйидаги учта бирикманинг қайсиниси кўпроқ ёрқин туюлади? Жавобингизни аниқлаштиринг.
2. Ҳар бир ранглар гаммасини тавсифланг.



Агар сиз ёрқин фотосуратлар қилмоқчи бўлсангиз, унда расмга олишни қуёшли ҳавода амалга ошириш керак. Булутли ҳавода ҳамма бўёқлар туссиз ва ифодасиз кўринади. Бу фотосуратдаги рангларни тавсифланг.



## ПЕЙЗАЖНИНГ РИВОЖИДА ИМПРЕССИОНИСТ РАССОМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ


Қадим замонларда рассомлар пейзажни ўз устахоналарида, яъни хотирасига таянган ҳолда хомаки расмлардан фойдаланиб чизишган. 19-асрнинг охирларида француз рассомлари пейзажларни очиқ ҳаво – пленэрда чизишни бошлаб беришган. Очиқ ҳавода ишлаётиб, улар предметларнинг ранглари ёруғликка боғлиқ ҳолда қандай ўзгараётганини кузатганлар. Баъзи рассомлар айнан бир хил объектни сутканинг ҳар хил вақтларида ва ҳар хил об-ҳавода тасвириллаб, асарларнинг бутун бошли мажмуини (цикл) яратганлар. Рассомлар нафақат об-ҳаводаги ўзгаришларни, сутка вақтини, балки ўз таассуротларини ҳам ифодалашга ҳаракат қилганлар.



**76-бетда берилган расмларда рассом шаҳарнинг айнан бир бурчагини сутканинг турли вақтида қандай тасвирилаганини диққат билан кўриб чиқинг. Рангларга алоҳида эътибор қаратинг. Агар рассом шаҳар пейзажини тўғридан тўғри кузатмасдан бино ичида ишлаганида, шундай ифодалиликка эриша олармиди? Жавобингизни асосланг.**



Кейинчалик импрессионистлар деб ном олган рассомларнинг кўрғазмаси 1874 йилда Парижда ўтказилди. Кўпгина келувчилар кўрғазмага ўзларининг тасаввурларидаги ўзларича санъатда янги йўналиш яратувчилар деб ўзига бино қўйган «махмадона ва билимсизлар» устидан кулиш учунгина келган эдилар. Газеталарда дарғазаб мақолалар пайдо бўлди. Танқидчилардан бири рассомларни импрессионистлар деб атади, чунки Клод Моненинг кўрғазмага қўйилган суратларидан бирининг тагига «Қуёшнинг чиқиши. Таассурот» деб ёзилган эди. Шу вақтдан бошлаб уларга ва тасвирий санъатда янги йўналишга эргашаётган бошқа рассомларга бу ном мустаҳкам ўрнашиб қолди.



*К. Моне.*


Қуёшнинг чиқиши. Таассурот




Импрессионистлар очик ҳавода ишлаганлар. Тўсатдан ёмғир ёғиши, шамол эсиши мумкин эди, яна яхши об-ҳавода ҳам соатлаб жазирама офтоб остида туриш осон машғулот эмас эди. Ҳавода ишлаш учун шарт-шароитни яхшилаш мақсадида қуёшдан ва ёмғирдан сақланиш учун соябонлардан, бўёқлар учун махсус қутилардан фойдаланишган. Клод Моне энг оддий қайиқда ўзига бутун бошли устахона қуриб олган. Сиз унинг полотносида бошқа рассом – Эдуард Манени кўришингиз мумкин.



Вақт ўтди ва томошабинлар импрессионистларнинг ижодини муносиб равишда баҳолашди. Санъатнинг қадрига етувчилар уларнинг ёруғлик ва рангдан бино бўлган асарларини рангтасвир деб атай бошладилар. Бу образли аниқлик импрессионистлар рангтасвирининг моҳияти ва характерини тўғри ифодалайди.



*К. Писсарро. Баҳор тонги*



*К. Моне. Ўт-ўлан устидаги нонушта*



Бу асарларни кўриб чиқинг. Уларда товланиб турган нур, ҳаво, қуёш ва янги ёрқин ранг нақадар бойлигига эътибор беринг. Сизни ўраб турган пейзажга қаранг, дарахт баргларидаги ва ўт-ўланлардаги қуёш нурининг ўйинига диққат қаратинг.



Интернет ва бошқа манбалардан импрессионист рассомларнинг бир нечта асарларини топинг. Уларни диққат билан кўриб чиқинг. Ранглардаги ўзгачаликларга, рассомлар соядаги нурнинг ўйинини қандай ифодалаганлигига эътибор беринг. Маълумотларингизни ўртоқларингиз билан бўлишинг.

## ИЛМОҚЛИ ПИРПИРАК ЯСАЙМИЗ

Агар сиз бир дақиқа ичида тонг чошгоҳ билан, чошгоҳ оқшом билан, оқшом эса кўз олдингизда тун билан алмашишини хоҳласангиз, илмоқли пирпирак ясанг. Сиз сутканинг турли вақтида, турли об-ҳавода, йилнинг ҳар хил фаслларида тасвирланган табиий объектларнинг ўзингиз ишлаган расмлари ёки фотосуратларидан фойдаланишингиз мумкин.



Иш учун сизга: сутканинг турли вақтини, турли об-ҳавони, ҳар хил табиат ҳодисаларини тасвирловчи сизнинг расмларингиз, фотосуратларингиз ёки расомлар асарларининг репродукциялари; ишнинг миқдорига қараб асос учун керагича рангли картон варақлари, қайчи, елим, тешикчалар очиш учун бигиз, илмоқ учун чилвир (шнур), безатиш учун бошқа сунъий ва табиий материаллар керак бўлади.


### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ



1. 5-6 кишидан иборат гуруҳга бўлининг. Гуруҳда ишларни бўлишиб олинг. Кимдир расмларни ёки фотосуратларни тайёрласин, кимдир ишларни елимлаш билан шуғуллансин. Кимдир безак учун майда қисмларни қирқади.





2. Аввалги дарсда ўзингиз чизган расмлардан ёки фотосуратлардан танлаб олинг. Улар тахминан бир ўлчам ва ҳажмда бўлиши керак.



3. Рангли картон тайёрланг. Расмлар ва фотосуратлар ўлчамига мос келсин. Картон варағининг ўлчами ҳар томондан расмга қараганда 1см кўпроқ бўлиши керак.

4. Картон варагининг ҳар бирига битта расм ёки фотосурат ёпиштиринг. Картон варақларини тасвир рангига мос қилиб танлаш мумкин. Иш атрофига майда деталлар: томчилар, қор учқунлари, булут, қуёш расмларини чизиш ёки ёпиштириш мумкин.



Булутли ҳаво ёки ғира – шира пайт тасвири учун қандай рангдаги картон мос келади? Тоза, тўйинган ранглар қандай об-ҳавони тавсифлаши мумкин?

5. Безатилган картон қоғозларини юза томонини пастга қилиб бир бирига зич ҳолатда бир қаторга қўйиб чиқинг. Қоғоздан узунлиги картоннинг ўлчамида ва кенглиги 3 см бўлган тилимлар қирқиб олинг. Уларни фотосуратда кўрсатилгандек, варақнинг устига елимлаб чиқинг, қуриши учун қўйинг.



6. Елимланган варақларни ағдаринг. Картон уланган жойларидан фотосуратда кўрсатилганидай қайиринг ва кейин ҳосил бўлган тасманинг икки учини ичидан елимланг. Сизда мана бундай кўпёқлик ҳосил бўлиши керак.


7. Кўпёқликнинг ҳар бир томонига тепа қисмидан ва икки томондан бир хил масофада оддий қалам билан белги қўйинг. Катталардан бигиз билан тешик очиб беришни илтимос қилинг.

8. Бир хил ўлчамда чилвирлар қирқиб олинг, тахминан картон варағи узунлигининг ярмича бўлсин. Уларни тешикдан ўтказинг ва сирғаниб чиқиб кетмаслиги учун ичидан тугунча қилиб тугинг. Ҳамма чилвирларни марказга бирлаштиринг ва умумий тугун қилиб боғланг. Сизнинг илмоғингиз тайёр! Уни яқинларингизга совға қилишингиз ёки у билан хонани безатишингиз мумкин.



## ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИНИ ТУРЛИ ЖАНРЛАРДА ТАСВИРЛАШ

Мавсумий табиат ҳодисаларини пейзаждан бошқа жанрларда ҳам тасвирлаш мумкин. Сиз турли хил жанрлар билан танишсиз. Ўзингизга маълум барча жанрларни эсланг ва уларни айтинг. Қайси жанрларда мавсумий табиат ҳодисалари тасвири бўлиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўринг.



*А. Крымов.*

Баҳорги ёмғирдан сўнг

?!

1. Париж қизлари қайси табиат ҳодисасидан ёмғирпўш остига беркинишган?
2. Асар қандай ранглар гаммасида бажарилган?
3. У қайси жанрга мансуб? Тўлиқ жавоб беринг.



?!

1. Чапдаги суратда тасвирланган табиат ҳодисалари қандай номланади?
2. У қайси мавсумга хос?
3. Қайси табиат ҳодисасидан кейин у осмонда пайдо бўлади?
4. Сиз уни кўрганмисиз? Бу асарни қайси жанрга киритиш мумкин?



*О. Ренуар. Ёмғирпўшлар (фрагмент)*

?!

1. Қаранг, япон рассоми Охара Косон қандай энг кам ифода воситаларидан фойдаланади. Уларни айтинг.
2. У қайси табиат ҳодисасини тасвирлайди?
3. Бу асарни қайси жанрга киритиш мумкин?

*О. Косон. Қушлар*




Сиз, эҳтимол, табиат ҳодисаларини турлича ифодалаш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдингиз. Масалан, Катта Брейгелнинг «Пичан ўриш» сурати табиатнинг ёз-куздаги ҳодисасини ҳосил пишган пайти мисолида ҳикоя қилади. Бу асарни диққат билан қўриб чиқинг. Суратда тасвирланган одамлар нима иш билан бандлигини айтиб беринг. Рассом бунда қайси иккита жанрни бирлаштирган?



*Катта П. Брейгель. Пичан ўриш*



Рассом М. Сарьяннинг сурати «Ереванда октябрь» деб номланади. Бу асарни Катта П. Брейгелнинг сурати билан қиёсланг. Эътиборли бўлинг, бу асарда ҳам бирданига иккита жанр «яширинган», уларни аниқланг. Ҳар икки сурат бир хил мавсумий ҳодиса ҳақида ҳикоя қилипти деб айтиш мумкинми? Қайси сурат сизга қизиқарлироқ туюляпти? Жавобингизни асосланг.



*М. Сарьян. Ереванда октябрь*

## ТАБИАТ ҲОДИСАСИНИ ТАСВИРЛАЙМИЗ



Қайси табиат ҳодисасини тасвишламоқчи эканлигингизни ўйланг.

Қайси жанр ёрдамида табиат ҳодисаси ҳақида ҳикоя қилмоқчилигингизни танланг. Бу пейзаж, портрет, натюрморт (масалан, хазонрезлик, қор ёғиш ёки ёмғир фонида портрет ёки натюрморт), маиший ва ҳатто анималистик жанр бўлиши мумкин.




Композиция устида ишлаш жараёнида қандай материаллардан фойдаланишингизни ҳал қилинг. Бу акварель ёки гуашь бўёқлари, фломастерлар, рангли қаламлар, рангдор юмшоқ қаламлар бўлиши мумкин. Аралаш усулда, монотипия техникасида, аппликация усулида ишлаш мумкин.

Бўлғуси ишингизнинг композициясини ўйланг. Ишингизнинг ўлчам ва ҳажмини аниқланг.

Агар ранглар билан ишласангиз, ишингизнинг характерига мос ранглар гаммасини ўйлаб олинг. Сизга маълум ранглар тавсифи ҳақида эсланг.



## ТЕНГДОШЛАРИНГИЗ ШУНДАЙ ЧИЗИШАДИ



?!

1. Болаларнинг расмини кўриб чиқинг. Улар қандай табиат ҳодисаларини тасвирлаганликларини айтинг.
2. Улар қандай материаллардан фойдаланганликларини аниқлашга ҳаракат қилинг.
3. Бу ишларни қайси жанрга киритиш мумкин?



## ТАҚДИМОТ, ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА

1. Сизга маълум табиат ҳодисалари ҳақида гапириб беринг.

2. Баъзи табиат ҳодисалари йил фаслларига боғлиқми? Жавобингизни асосланг.



3. Импрессионист рассомлар рангтасвирга қандай янгилик олиб киришди?

4. Рассомлар табиат ҳодисаларини қандай жанрларда тасвирлай олишади?

1. Ранглар сутканинг турли вақтида ва турли об-ҳавода қандай ўзгаради?

2. Турли ёруғликларда суратга олишдаги тажрибангиз ҳақида айтиб беринг.



3. Табиат ҳодисасини ҳикоя қилиш учун тасвирий санъатнинг қайси жанрини танладингиз?

4. Янги билим ва малакалар сизга ёрдам бердими?

## ИМПРЕССИОНИСТ РАССОМЛАР


### ПЛЕНЭР

## 6. АТРОФ МУҲИТНИ ҚЎРИҚЛАШ

Бу бўлимни ўрганишда сиз

### ЭСА ОЛАСИЗ:

- белгиларнинг рамзий ишоралари ҳақида;
- шрифтнинг ифода имкониятлари ҳақида.



### БИЛИБ ОЛАСИЗ:

- плакат санъати ҳақида;
- шаклни содалаштириш ҳақида.



### ЎРГАНАСИЗ

- экологик плакат яратишни;
- янги атамани рус, қозоқ, инглиз ва ўзбек тилларида талаффуз қилишни.



окуруауааа асуа  
қорушаған орта  
environment  
атроф муҳит

## ЕР – ЖОНЛИ САЙЁРА

Бизнинг сайёрамиз Ер жуда ноёб. Фақатгина бизнинг сайёрамизда одамлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар яшай олади. Ер юзи пейзажининг, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг гўзаллигидан одам энтикиб кетади! Турли иқлим минтақаларида ўсимликлар (флора) ва ҳайвонот (фауна) дунёси жуда турли – тумандир.



1. Турли иқлимдаги жонли табиат ҳақида нималарни билишингизни айтиб беринг.
2. Сизнинг ўлкангиз нимаси билан бой?
3. Ўлкангизнинг табиати ва ҳайвонот дунёси ҳақида гапириб беринг.



Агар инсон ўзининг умумий катта уйи – Ер сайёрасига ғамхўрлик ва муҳаббат билан муносабатда бўлишни ўрганмаса, ажойиб жонли дунё ўрнига фақат бундай ғамгин пейзажларни кузатиш мумкин бўлади.



Бу фотосуратларни кўриб чиқинг ва бошқа дунёдан келган меҳмонлар Еримизни ҳозир ва агар одамлар уни эҳтиёт қилишни ўрганишмаса, қай ҳолда кўришлари мумкинлиги тўғрисида кичик ҳикоя тузинг.



## АТРОФ МУҲИТ ХАВҒДА!



1. Атроф муҳит нима эканлигини эсланг.
2. Бу тушунча нималарни ўз ичига олишини айтинг.

Ҳозирги дунёда кўп нарса ўзгариб кетди. Агар одамлар авваллари пиёда юришган бўлса, энди улар ёқилғида ишлайдиган автомобилларда, поездларда, самолётларда ва кемаларда ҳаракатланишади. Ёқилғининг ёниши натижасида ҳосил бўлган маҳсулотлар ҳаво, сув ва ерни ифлослантиради. Одам ифлосланган ҳаводан нафас олади, ифлосланган сувни ичади, ёқилғи чиқиндиларидангина эмас, балки ерни ортиқча ўғитлаш натижасида ифлосланган ерда сабзавот ва меваларни етиштиради. Илмий – техника инқилоби ва ернинг фойдали қазилмаларидан фойдаланиш сайёрамиздаги экологик вазиятнинг жуда тез суръатларда ёмонлашувига олиб келди.

Лекин шуни ҳам қайд қилиш керакки, вужудга келган вазиятни яхшилаш устидаги ишлар бошқача тус олди. Ҳозирги куннинг ўзидаёқ замонавий технологиялар экологик муаммоларни ҳал қилишнинг кўп усулларини: ёқилғининг экологик кўринишини, экологик транспортни яратишдан бошлаб энергиянинг янги экологик тоза манбаларини қидириб топишгача ва Ер ресурсларини онгли ишлатишгача бўлган таклифларни киритишяпти.



1. Бизнинг сайёрамизга яна қандай экологик хавфлар таҳдид соляпти?
2. “Дунё таниш” фанидан ҳозирги дунёда атроф муҳитга бўлган хавф ҳақида яна нималарни билиб олдингиз?
3. Олдингизда атроф муҳитга нима хавф солаётгани тўғрисида айтиб берувчи белгилар турибди. Уларнинг нималигини тушунтириб айтиб беринг.



Ўтган йили «Нима яхши-ю, нима ёмон?» мавзусида буклама китобни қандай қилганлигингизни эсланг. Сиз бу китобни атроф муҳитга зарар етказилаётгани ҳақидаги ва табиатга тўғри муносабатда бўлиш ҳақидаги мисоллар билан тўлдириб, давом эттиришингиз ёки ўзингизга янги қўлланма китобча ясаб олишингиз мумкин.



Сизга керак бўлади: рангли ва қора фломастерлар, расм чизиш учун оқ қоғоз варақлари, ўтган йили бошланган буклама китобча ёки янги асос учун рангли қалин қоғоз, қайчи, елим.



### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ

1. 10×10 см ўлчамда қоғоз тайёрланг. Унга сиз ўз расмларингизни чизасиз.

2. Атрофдаги муҳитга тўғри ва нотўғри муносабатлар акс этган мисолларга расмлар ўйлаб топинг. Бу тўлиқ расмлар эмас, балки рамзий белгилар ҳам бўлиши мумкин. Уларнинг композициясини ўйланг.

3. Ижобий ва салбий мисоллар акс этган расмларни навбат-навбат китобчангизнинг бетларига елимлаб чиқинг.

4. Расмларнинг остига ёки орқа томонига ёзиб чиқинг ва буларда атроф муҳитни қўриқлашга ўз муносабатингизни акс эттиринг.



## Халқаро Қизил китоб

Биолог олимлар ва экологлар одамларнинг пухта ўйланмаган хўжалик фаолиятидан, экологик вазиятнинг ёмонлашувидан фақат одамлар эмас, ҳайвонлар ҳам азоб чекишини тушунишади. Сўнгги 500 йил ичида Ер юзидаги ҳайвонларнинг



844 тури, ўсимликларнинг 1000га яқин тури йўқолиб кетди. Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини қутқариб қолиш учун олимлар Халқаро Қизил китобни ташки қилдилар. У 1963 йилдан буён Халқаро табиатни сақлаш уюшмаси томонидан нашр қилиб келинади. Инсониятнинг диққатини бу муҳим муаммага жалб қилиш ва атрофдаги табиатнинг йўқолиб кетишини тўхтатиш мақсадида китоб шундай номланди. Қизил ранг – ҳайвонлар ва ўсимликлар бизга бераётган SOS сигналидир.



**1. Қизил китоб ҳақида нима биласиз? Нима учун унинг бетлари турли хил рангда? Бу саволларга жаоб бериш учун Интернет ва бошқа манбалардан Қизил китобнинг мазмуни ва вазифаси ҳақида қўшимча маълумотлар топинг ва дўстларингиз билан ўртоқлашинг.**

**2. Жонли табиат ҳимоясига турли жамоат ташкилотлари киришишди. Энг йирик ва фаолларидан бири – Greenpeace (Яшил олам) экологик ташкилотидир. Бу ташкилотнинг фаолияти ҳақида маълумот топинг.**

Ҳар бир одам атроф муҳитни қўриқлаш унинг ўзидан ва эзгу ишларидан бошланишини англаб етиши зарур: қушлар учун донхўракларлар тайёрлаш, дарахтлар, гуллар ўтқазиси керак, қушлар инини бузмаслик, ўрмонда гулхан ёқмаслик, табиатда дам олгандан сўнг ўзидан кейин чиқиндиларни тозалаб кетиши лозим. Бу сизнинг қўлингиздан келади. Бундан ташқари мўйқалам ва бўёқлар билан атрофдаги муҳитни қўриқлашга ўз муносабатингизни билдиришингиз мумкин: расмлар ва плакатларда одамларни табиатни авайлаш ва ҳимоя қилишга даъват қилиш мумкин. Бу ҳам анча аҳамиятли ишдир.

## ПЛАКАТ НИМА


Дунёнинг турли мамлакатларидаги рассомлар ўз ижодлари билан атропо муҳит ҳимоясига ҳисса қўшишади. Улар одамлар диққатини экологик муаммоларга, Ер – барчамизнинг эҳтиёт қилишимиз керак бўлган умумий уйимиз эканлигига қаратадилар. Ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларида экологик плакатлар танлови бўлиб ўтади. Ёш рассомлар ҳам плакатлар яратадилар ва атропо муҳитни сақлаш муаммоларини ҳал қилишга ўз ҳиссаларини қўшадилар.

**Плакат** – бу графиканинг бир туридир. Плакат кўпроқ тасвир ва даъват мазмунидаги матнни ўз ичига олади. Масалан, экологик плакатлар табиатни асрашга чақиради.




Плакатингиз ифодалироқ чиқиши учун унда майда деталларсиз ва майда-чуйда тафсилотларсиз энг муҳимини кўрсатиш керак, яъни **шаклни соддалаштиришни ўрганиш лозим.**

Масалан, агар график рассом дарахтнинг расмини чизса, у дарахтнинг шакли ва чизиқлари характерини ўрганади, барча майда қисмларини: дарахт пўстлоғи расмини, майда шохчаларини, ҳатто дарахтдаги япроқчаларнинг табиатини чизиб чиқиши мумкин. Бундай расм орқали дарахтнинг турини аниқлаш мумкин.



*И. Левитан. Эман*

Агар рассом дарахтларни ҳимоя қилиш ғояси бўйича плакат яратмоқчи бўлса, унинг маълум бир дарахтни тасвирлаши шарт эмас. Ундан кўра рассом дарахтнинг рамзини яратади: ортиқча, аҳамиятсиз ҳамма нарсани олиб ташлайди, шаклни соддалаштиради ва энг муҳимларини қолдиради. Рассомлар плакатда ҳаммадан кўпроқ маълум бир туссиз рангдан фойдаланишади.



*А. Саврасов. Эман*

Рангтасвирчи дарахтнинг ранги ва ёруғлигини ўрганади, қунт билан ранглар гаммасини танлайди, юзлаб туслардан фойдаланади, ранг орқали шаклнинг табиатини намойиш қилади, ранг билан кайфиятни ифодалайди.



Рамз нима? 3-синфда рамзий белгилар билан қандай ишлаганингизни эсланг. Бу сизга плакат устида ишлаётганингизда керак бўлади.



Жонли табиатнинг исталган объектини олинг: гул, дарахт, ҳайвон. Уни диққат билан ўрганинг. Унинг ташқи кўринишидаги муҳим ва аҳамиятсиз жиҳатларини аниқланг. Иккинчи даражали деталларни олиб ташлаб, уни чизишга уриниб кўринг. Сизнинг расмингизга қараб нима чизганингизни билиш мумкинми? Хулоса чиқаринг.



Бу тасвирларни кўриб чиқинг. Рассом дарахтлар шаклини сезиларли даражада соддалаштирган ва энг аҳамиятлилари: тана, шохлар ва баргларни қолдирган. Сиз, албатта, унинг дарахтлигини айтасиз, лекин унинг турини аниқлай олмайсиз. Аммо плакатда аниқлаштириш камдан кам керак бўлади.



## «АТРОФ МУҲИТНИ ҚЎРИҚЛАШ» МАВЗУСИДА ПЛАКАТ ЯРАТАМИЗ

Плакатингизнинг ғоясини ишлаб чиқинг. Ўз плакатингиз билан нима демоқчисиз? Ниманинг ҳимоясига отланиш керак? Одамларни нимадан огоҳлантирмоқчисиз?

Плакатда нима тасвирламоқчилигингизни ҳал қилинг. Бу ҳайвонлар, ўсимликлар, Ер шари, заводларнинг тутун чиқаётган мўрилари, машиналар ва бошқа объектлар бўлиши мумкин. Плакатингизни қайси техникада яратасиз?



Иш учун сизга: А1 ёки А2 ҳажмдаги оқ ёки рангли қоғоз варағи, гуашли бўёқлар, рангли қоғоз, қайчи, елим керак бўлади. Шунингдек, фотосуратлар, эски журналлардан олинган репродукциялар, бирор бир предметнинг ўзингиз томондан бажарилган оттискидан (босиб туширилган изи) фойдаланишингиз мумкин. Бирор нарсани ўйлаб топишга ва тажриба қилиб кўришга қўрқманг, сиз ҳаммасини удадалай оласиз!

Плакатнинг ранглари ечимини ўйлаб олинг. Маълум бир рангдан фойдаланиб, туссиз ишлаш яхшироқ эканлигини яна бир марта эсланг. Бутун ҳаёлотингизни ишга солиб, ажойиб (оригинал) қарор изланг!



Аввал рангли қоғоздан доира қирқиб олиб, унга Ер шарини елимлаб ва атрофига рангли кафтларни босиб чиқиш мумкин. Бир пайтнинг ўзида сиз ҳам дарахт, агар сариқ рангли қоғоз ишлатсангиз, ҳам қуёшни ҳосил қилган бўласиз. Кейин рангли доира ва танани қалин рангли қоғозга елимлаш керак бўлади. Тасвир тайёр!



Плакатнинг матни қисқа, ифодали бўлиши керак. Шрифтнинг ифода имкониятларини эсланг. Матни тасвир билан қандай қилиб жой – жойига қўйиш ҳақида ўйланг. Улар бир-бирларига халақит бермасликлари лозим.



Агар сиз ўзингизнинг шахсий композициянгизни ўйлаб топсангиз ва ўз гоянгизни ифодаласангиз, нур устига аъло нур бўларди. Ишнинг якунида мактабда экологик плакатлар танловингизни ўтказишингиз мумкин. Ўлкангизнинг экологик муаммолари ҳақида, ўзингиз яшаётган жойдаги атроф муҳитни қўриқлаш учун аниқ нима қила олишингиз тўғрисида гапириб беринг.

## ТАҚДИМОТ, ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА

1. Атроф муҳит нима?

2. Атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни айтинг.



3. Нима сабабдан ҳозирги кунда атроф муҳит муаммоси долзарб муаммолардан бири ҳисобланади?



4. Қозоғистоннинг Қизил китоби ҳақида нималарни биласиз?

1. Рассомлар атроф муҳитни кўриқлашда қандай иштирок этишади?

2. Плакат санъати ҳақида нимани айтиб бера оласиз?

3. Плакатингизнинг ғояси тўғрисида айтиб беринг.

4. Атроф муҳитни кўриқлаш бўйича яна қандай плакатлар яратишни хоҳлар эдингиз?



## ПЛАКАТ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ШАКЛЛАР

## 7. КОИНОТГА САЁХАТ

Бу бўлимни ўрганишда сиз


**ЭСЛАЙСИЗ:**

- нақшларнинг турлари ҳақида.



**БИЛИБ ОЛАСИЗ:**

- фазогир рассомлар ҳақида;
- граттажнинг нима эканлиги тўғрисида.



**ЎРГАНАСИЗ:**

- «Юлдузли осмон» тунчироғини ясашни;
- граттаж усулида ишлар яратишни;
- янги атамани рус, қозоқ, инглиз ва ўзбек тилларида талаффуз қилишни.



граттаж  
граттаж  
scratchboard  
граттаж

## ЮЛДУЗЛИ ОСМОН

Эҳтимол, ҳаётида бир марта бўлса ҳам тунги юлдузли осмондан завқланмаган одам бўлмаса керак. Балки сиз ҳам кўп марта юлдузларни тунда томоша қилгандирсиз. Осмон ҳамма вақт одамларнинг диққатини ўзига тортган, у осмоннинг сирини очишни орзу қилган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам ерда фалакшунослар (астрономлар) – осмон жисмларини ўрганувчи одамлар пайдо бўлгандир.




Сиз, эҳтимол, ўзингизга маълум бўлган турли манбалардан осмон жисмларига нималар киришини биларсиз. Ўзингизга маълум бўлган осмон жисмларини санаб беринг.

Қадимги замонлардан юлдузлар туркуми – осмон сферасининг шартли чегаралари ва унинг ҳудудидаги барча осмон жисмлари билан биргаликдаги қисми одамларда алоҳида қизиқиш уйғотган. Ёнма-ён жойлашган юлдузлар гуруҳини одамлар кўзлари билан ўзларига тушунарли бўлган шаклларга (фигура) бирлаштирганлар ва уларга ном берганлар: Оққуш, Қуён, Дельфин, Тарози. Кўпгина юлдузлар туркуми афсонавий қаҳрамонлар: Геркулес, Персей, Андромеда номларини олган. Ҳали жуғрофий хариталар бўлмаган вақтларда одамлар юлдузлар туркумига қараб йўлда мўлжал олганлар, йил фасллари аниқлаганлар, хўжалик ишларини режалаштирганлар, фол кўрганлар.



Милоддан аввалги II аср фалакшуноси Клавдий Птолемейнинг рўйхатида 48 та юлдузлар буржининг номлари бор, уларнинг 47 таси бизгача етиб келган. XVI асрда буюк немис rassоми Альбрехт Дюрер юлдузли осмон харитасини тузди, у тарихда типогрфик усулда босиб чиқарилган биринчи харита бўлиб қолди. Қадимдаёқ юнон фалакшуноси Птолемей белгиланган юлдузлар туркумларини Дюрер ёғочга ўйилган расмлар билан тўлдирди. Шу тариқа у ксилографиянинг, яъни ёғоч гравюрасидан босма усулда олинган тасвирларнинг катта миқдордаги оттискларини (босиб туширилган из) олиш имконига эга бўлди.





Интернет ва бошқа манбалардан Катта Айиқ буржи ҳақида маълумот топинг. Катта Чўмич деб нимани аташларини билиб олинг ва ундаги юлдузларнинг жойлашувини эслаб қолинг. Тунги осмондан Катта Чўмични топинг. Бошқа юлдузлар туркуми ҳақида ҳам маълумот топишингиз мумкин.

Осмон ёриткичларининг тасвирларини халқларнинг декоратив ижодларида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, славян халқларининг нақшларида қуёшсимон белгилар – қуёшнинг рамзий ифодаларидан фойдаланилади. Қозоқ халқининг декоратив ижодида космогоник нақшлар – юлдузлар, ой, қуёш тасвири кўп учрайди.



Сизга қандай нақшлар маълумлигини эсланг. Юлдузлар, қуёш, янги ой (ҳилол) рамзларини ифодаловчи қозоқ нақшларини эсланг. Қозоқ халқи чеварлари маҳсулотларининг фоторасмларини диққат билан кўриб чиқинг ва улардаги осмон жисмларининг мавзуларини топинг.



Ўзингиз юлдузлар белгисини ўйлаб топинг ва уларни полимер лойдан ясанг ёки зарқоғоздан қирқиб олинг. Бу сизга кейинги ишларингизда керак бўлади.



## «ЮЛДУЗЛИ ОСМОН» ЧИРОҒИНИ ЯСАЙМИЗ



Ота-онангиз ёки катта дўстингиз билан биргаликда тунчиरोқ ясашга уриниб кўринг. Уни ясаш қийин эмас, лекин у жуда чиройли чиқади.



Сизга: қора, тўқ зангори ёки тўқ сиёҳранг қалин рангли қоғоз, полимер лой, тилларанг ёки кумушранг зарқоғоз, тилларанг ёки кумушранг фломастер, оддий қалам, қайчи, елим, фонарча керак бўлади.



### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ

1. Интернет ва бошқа манбалардан юлдузлар туркуми акс этган юлдузли осмон харитасини топинг. Битта юлдузлар туркумини танланг, суратини принтерда чиқариб олинг ва қора қоғозга унинг асосий юлдузларидан нусха кўчиринг. Расм



яхшироқ кўриниши учун очиқ рангли қаламдан фойдаланинг.

2. Катталардан ҳар бир юлдузнинг марказидан бигиз билан тешик очиб беришини сўранг. Кейин ўткир учли қайчи билан туркумдаги юлдузларни қирқиб олинг. Агар бу ишда қийналсангиз, катталардан ёрдам сўранг.

3. Юлдузларнинг контурини (сиртки кўриниши) тилларанг ёки кумушранг фломастер билан айлантириб чизиб чиқинг ва уларни тўғри чизиқлар билан юлдузлар туркумига бирлаштинг.

4. Чиройли шрифт ўйлаб топинг. Тилларанг ёки кумушранг фломастерда юлдузлар туркумининг номини унинг тагига ёзинг. Юлдузлар атласида юлдузлар туркумининг номлари лотинча ёзилади, улардан нусха кўчиришингиз мумкин.

5. Расм чизилган ва қирқилган юлдузлар туркуми жойлаштирилган қоғозни кенг найсимон қилиб ўранг ва чеккаларини бир-бирига устма-уст қўйиб, уларни елимланг. Шунда қуйидаги расмдаги каби цилиндр ҳосил бўлади.



1. Ҳажмли геометрик шаклларнинг умумий номини эсланг.
2. Улар ясси шакллардан нимаси билан фарқ қилади?
3. Ҳажмли геометрик шакллардан баъзиларининг номларини санаб ўтинг.



6. Тайёр цилиндрга лойдан ясалган ёки зарқоғоздан қирқиб олинган юлдузларни ёпиштиринг. Уларни қалин қилиб елимламаса ҳам бўлади. Улар юлдузлар туркумингизни ёпиб қўймаслиги керак.



7. Цилиндр ичига фонарча қўйинг. Уни ёқинг. Сиз нур сочиб турган юлдузли тунги осмонни ҳосил қиласиз! Цилиндрни бра (деворий чироқ тутқичи) учун чироқ қопқоғига айлантиришингиз мумкин. Бундай ҳолда светодиоод чироқдан фойдаланиш керак бўлади.



8. Хонадаги чироқни ўчиринг. Бу жуда чиройли, шундай эмасми?! Хонангизда сиз ёққан юлдузлар нур сочади! Нотаниш дунё ҳақида ва фазовий саёҳатни орзу қилмоқчи бўлсангиз, юлдузли тунчироқни ёқишингиз ва ўзингизни жасур фазогир космонавт деб тасаввур қилишингиз мумкин. Яна битта тунчироқ қилишингиз ва энг яхши дўстингизга совға қилишингиз мумкин.

## ФАЗОГИР РАССОМЛАР

Инсон қадимдан нафақат осмонга завқ билан қараган, у яна осмонни бўйсундиришни, фазовий кенгликни ўзлаштиришни орзу қилган. Бу йўл жуда узоқ бўлган ҳамда инсоннинг орзуси фан ва техниканинг ривожланиши натижасида фақат 20-асрдагина амалга оша олди.



1. Коинотга парвоз қилган илк фазогир ким эди?
2. Қозоғистонлик биринчи фазогирнинг исмини айтинг.
3. Очиқ фазовий бўшлиққа чиққан биринчи фазогир ким эди?

Биринчи инсоннинг коинотга парвоз қилган вақтидан буён 50 йилдан кўп вақт ўтди. Энди фазогирлар космик станцияларда узоқ муддат яшаштилар ва турли тажрибалар ўтказаштилар, лекин одамлар коинот ҳақида орзу қилишдан тўхтамаяпти. Ёзувчилар бошқа сайёралардаги ҳаёт ҳақида фантастик тарихлар ёзаштилар, олимлар янги космик лойиҳалар ишлаб чиқаштилар. Рассомлар эса коинотга бағишланган расмлар чизаштилар. Айтганча, фазогирлар орасида ҳам рассомлар бор.



*А. Леонов.*  
Очиқ космосга чиқиш



*А. Леонов.*  
Кратер занжири

Очиқ космосга чиққан биринчи фазогир Алексей Леонов бўлган. Космик пейзажнинг гўзаллиги уни шу даражада ҳайратга солдики, натижада у ўзининг болалик қизиқишларини эслаб, яна мўйқалам ва бўёқларни қўлига олди.

Фазогир учувчи Владимир Жа-нибеков ҳам рангтасвир билан шу-ғуллана бошлади. Албатта, асарла-рининг энг муҳим мавзуси коинот бўлди.



Ўзининг биринчи ёки нвбат-даги парвозига отланаётган ва узоқ вақтга Ерни тарк этаётган бу фазогирлар ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Учиш бошланишидан ав-вал нима ҳақида ўйлаган бўлардингиз, ким ва нимани эслардингиз?

Бу ҳақда ўйланг ва кичик ҳикоя ту-зинг.



*В. Джанибеков.  
Ишга*

Коинотни забт этган америкаликларни астронавтлар дейи-шади. Алан Бин ойга қўнган тўртинчи астронавт эди. У ҳам рус фазогирлари каби коинот рангтасвирига берилиб кетди.



*А. Бин. Коинот пейзажи*



## КОМПОЗИЦИЯДА МУВОЗАНАТ ВА ЯХЛИТЛИК

Сиз расм чизаётган қоғоз варағини уйчадан бошқа нарса-ларга ҳам солиштириш мумкин. Қоғоз варағи яна тарозига ҳам ўхшайди. Сиз тарозиларнинг агар ҳар иккала палласи бир хил оғирликда бўлса, мувозанатда туришини биласиз. «Мувозанат» сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Расм чизаётганингизда, расмингизга диққат блан қарашингиз керак. Агар сиз катта расмни варақнинг битта ярмига чизсангиз-у, иккинчи ярмига ҳеч нарса чизмасангиз, у ҳолда расмингизнинг мувозанати бузилган бўлади.





Қаранг, бу арғимчоқларда мувозанат бузилган. Худди шунингдек, у сизнинг расмингизда ҳам бузилиши мумкин.

Бу арғимчоқлардаги мувозанатни тиклаш учун нима қилиш керак? Ҳар бир расмни қандай қилиб мувозанатга келтириш мумкин?



Гап шундаки, расмлар – бу ҳақиқий тарози эмас. Ҳақиқий тарозида бегемотни худди шундай бегемот ёки вазни у билан тенг бошқа предмет мувозанатга келтириши мумкин. Қушчани ҳам қушча ёки унинг вазнига тенг нимадир мувозанатга келтириши мумкин.





Расмда, маълум бўлишича, ҳатто кичкина қушча ҳам оғир бегемотга тенг келиши мумкин экан. Композиция тузишда буни ҳисобга олиш керак бўлади. Лекин мувозанатлаштирилган композиция яна яхлитланган ҳам бўлиши керак, яъни бир неча бўлакка ёйилиб кетмаслиги лозим. Қаранг, 1-расмда мувозанат сақлангандай туюлади: қушчанинг кичкина доғчаси бегемотнинг катта доғи билан тенг келган. Лекин расм ҳали яхлит ҳолда идрок қилинмаяпти, балки икки қисмдан иборатга ўхшайди. Худди шундай икки қисмни арғимчоқ бирлаштириб турибди. (2-расм) арғимчоқнинг чизиқлари иккита объектни бирлаштириб турибди ва расм энди яхлит ҳолда кўринади.



Расм қисмларини бирлаштиришнинг турли усулларини ўйлаб топиш мумкин. 3-расмга қаранг. Рассом арғимчоқни олиб ташлаган ва шартли пейзаж билан расмни охирига етказган, яна у қушчани ўнг томонга бурган ва расм янада қизиқарли ва тўғри чизилган. Ўз нусхангизни ўйлаб топишингиз мумкин!



## Композицияни тенглаштирамиз

Шундай ҳам бўладики, сиз расм чиздингиз, кейин унда тенглик йўқ бўлиб чиққанлигини кўрдингиз. Масалан, космик пейзажда тоғлар қоғознинг тепасига «сакраб кетган», пастки қисми эса биринчи расмдаги каби бўш қолган. Ёки, аксинча, тоғлар varaқнинг энг пастига жойлашган, тепада эса кўп бўш жой қолган (иккинчи расмдаги каби). Расмингизни ташлаб юборишга ёки ниманидир ўчиришга шошилманг, қоидага



кўра расмни осон тўғирласа бўлади. Тўғри, сизнинг ўйлаб қўйган ниятингиз бир оз ўзгаради, лекин композициянгиз ҳатто қизиқарлироқ чиқиши мумкин.

Қаранг, муваффақиятсиз чиққан композицияни рассом қандай тўғирлаган. Дарсликда берилган тенглик бўлмаган композициялар учун ўз вариантларингизни ўйлаб топинг.



1. 110-бетдаги варақнинг пастки қисмидаги композицияда тенглик бўлмай қолганлигининг сабабини тушунтиринг.
2. 111-бетдаги композицияда тенглик бор дейиш мумкинми? Рассомнинг қарорини тушунтиринг.
3. Улар бу икки композициянинг мувозанатлаштирилган ва яхлитликда чиқиши учун нима қилишган?
4. Сиз қандай ечим ўйлаб топган бўлардингиз?



Мувозанати сақланмаган композиция чизинг. Уни диққат билан кўриб чиқинг, Ўзингиз баҳо беринг ва дўстингизга кўрсатинг. Сўранг, композиция унга муваффақиятли кўриняптими, йўқми, композицияда ниманидир ўзгартириш хоҳиши борми? Жавобидан сўнг композицияни охирига етказинг. Яна диққат билан кўриб чиқинг ва композицияни дўстингизга кўрсатинг. Кам-кўстини тўлдириб охирига етказилган композиция унга муваффақиятлироқ туюлаётганлигини сўранг. Хулоса чиқаринг.

## КОИНОТГА САЁҲАТНИ ЧИЗАМИЗ

Сиз коинотда бўлмагансиз, лекин, эҳтимол, у ҳақда китоблар ўқигансиз, фильмлар кўргансиз ва бу сизга фазовий композиция яратишда ёрдам беради. Ишингиз қизиқарлироқ чиқиши учун эса уни қандайдир ўзгача усулда бажариш керак бўлади.

Эҳтимол, сиз ҳозир танишмоқчи бўлаётган **граттаж** усули фазовий мавзуга яхши мос келади. Бу усул ўз ичида кутилмаган кўп нарсаларни яширади ва тамомланган иш қандай кўринишда бўлишини олдиндан билиб бўлмайди. Аммо ҳақиқий рассом ҳеч қачон ижодий тасодифларга томон боришга кўрқмайди.



Сизга: қора гуашь, суюқ совун, акварель бўёқлар, акварель ва гуашь учун текис мўйқалам, парафин бўлағи, расмни тирнаш учун ўткир предмет ( тўқиш учун сим, кичкина қайчи), силлиқ қалин оқ қоғоз керак бўлади.

### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ



1. Нимани тасвирлашингизни ҳал қилиб олинг. Бу номаълум сайёранинг пейзажи, сайёрамининг коинотдан кўриниши, фазогирларнинг очиқ фазога чиққан пайти, ўзга сайёраликлар билан учрашув бўлиши мумкин.

2. Ишингизнинг композициясини ўйлаб олинг, қоғознинг ўлчами ва ҳажмини аниқлаштиринг.

3. Композициянгизни қандай ранглар гаммасида (совуқ ёки иссиққа яқин; контраст, тўйинган ёки тўйинмаган) яратишингизни ҳал қилинг.

4. Керакли ўлчам ва ҳажмда қалин ва силлиқ қоғоз варағини олинг. Палитрада керакли рангларни ҳосил қилинг ва қоғознинг бутун юзини акварель билан бўяб чиқинг, бунда кўп сув ишлатиб, битта рангдан бошқасига енгил ҳаракатлар билан ўтилади.



Қоғознинг тўлиқ қуришини кутинг. Бўёқ қоғозда қуригунича, бўлғуси ишингизнинг эскизини қилиб олишингиз мумкин.

5. Қора гуашга қўл ювиш учун мўлжалланган суюқ совундан бир неча томчи қўшинг ва яхшилаб аралаштиринг. Агар суюқ совунингиз бўлмаса, озгина оддий совунни майдалаб қиринг ва қуюқ бир хил аралашма ҳосил бўлиши учун оз миқдордаги сувда эритинг.

6. Акварель бўёқда бўялган қуруқ қоғоз варағига парафин бўлағи ёки парафин шамни пухталиқ билан суриб чиқинг. Варақнинг ҳамма ёғи текис ва тўлиқ қопланишини назорат қилинг.

7. Гуашь ва совун аралашмасини текис мўйқалам билан парафин юзасига эҳтиётлик билан суриб чиқинг. Мўйқалам билан қоғозни ишқаламанг, парафинли қатламга зарар етказишингиз мумкин. Шундан сўнг гуашни яхши қуриши учун қолдиринг.

8. Варақ тўлиқ қуриб бўлганидан сўнг, ўткир учли ингичка сим ёки бошқа предмет олинг ва расмни эҳтиётлик билан тирнашни бошланг. Қора бўёқ қатлами остидан рангли чизиқлар пайдо бўла бошлайди. Бу жараён ўта завқли! Чизиқ ва штрихларнинг ифодалилигига ва турлитуманлигига алоҳида эътибор қаратинг. Бу усулда бошқа мавзудаги ишларни ҳам бажаришингиз мумкин бўлади.



**СИЗНИНГ РАСМЛАРИНГИЗ МАНА ШУНДАЙ ЧИҚИШИ МУМКИН!**



## ТАҚДИМОТ, ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА

1. Юлдузлар туркуми нима? Бир нечта юлдузлар туркумини айтинг.



2. Юлдузлар туркуми қадимги одамларга қандай ёрдам берган?

3. Осмон жисмларига бағишланган нақшлар қандай номланади?

4. Осмоннинг биринчи босма харитасини ким яратган?

1. Сизга маълум фазогир рассомларни айтинг.

2. Ўзингиз яратган «Қоинотга саёҳат» композициясининг усулини айтиб беринг.

3. Бу усулни (техника) тасвирий санъатнинг қайси турига киритиш мумкин? Жавобингизни асослаб беринг.

4. Қоинотга саёҳат қилишни хоҳлармидингиз?



## КОСМОГОНИК НАҚШЛАР ГРАТТАЖ

## 8. КЕЛАЖАККА САЁХАТ

Бу бўлимни ўрганишда сиз

### ЭСЛАЙСИЗ:

- ЭКСПО-2017 ҳақида;
- 4 йил мобайнида нималарни билиб олганингиз ва ўрганганингиз ҳақида.



### БИЛИБ ОЛАСИЗ:

- келажак шаҳарлари лойиҳалари ҳақида;
- композиция ичидан асосийсини ажратиш усуллари тўғрисида.



### ЎРГАНАСИЗ:

- асосийсини ажратиш усули билан композиция яратишни;
- хилма-хил усул ва йўллارни қўллаб жамоавий композиция яратишни;
- янги атамани рус, қозоқ, инглиз ва ўзбек главный объект тилларида талаффуз қилишни.



**главный объект**

**басты нысан**

**the main object**


**асосий объект**

## ЎТМИШДА КЕЛАЖАКНИ ҚАНДАЙ ТАСАВВУР ҚИЛИШГАН


Сиз эҳтимол, келажакда бизнинг олам қандай бўлиши ҳақида ўйлаб кўргандирсиз. Одамлар ҳамма вақт бир онга бўлса ҳам келажакни кўришни орзу қилганлар. Бундай имкониятга эга бўлмаганликларидан улар келажакни хаёлот ёрдамида тасаввур қилишга уринганлар. Ёзувчилар орзуларини фантастик ҳикояларида, рассомлар – рангтасвир ва график асарларида гавдалантирадилар. Энг қизиқарли жойи шундаки, узоқ йиллар аввал хаёлий бўлиб кўринган нарсалар келажакда рўёбга чиқди. Масалан, узоқ ўтмишда яшаган одам бир жойдан иккинчи жойга эртакнамо учар гиламда тез учиб боришни орзу қилган. Замонавий одам эса самолётга ўтиради ва бир неча соатдан сўнг олис мамлакатда бўлиб қолади.



Эртақлардаги хаёлий предметларни эсланг ва ҳозирги оламда қандай қилиб рўёбга чиққанлигини айтиб беринг.



1911 йилда унчалик танилмаган рассом «2000 йилда ҳаёт қандай бўлади?» мавзусида табрикномалар (откритка) сериясини яратди. Олдингизда бу табрикномаларнинг баъзилари берилган. Уларни диққат билан кўриб чиқинг ва 20-асрнинг бошида яшаган рассом нималарни олдиндан сезганлигини айтинг.



## ЭКСПО-2017 – КЕЛАЖАККА САЁХАТ

Қозоғистон ва бошқа мамлакатлар аҳолисига Астанадаги ЭКСПО-2017 га ташриф буюриб, келажакка саёхат қилишнинг ажойиб имконияти тақдим этилди. ЭКСПО – бу турли мамлакатлар техника ва технология бўйича ютуқларини намойиш қиладиган халқаро кўрғазмадир. 2017 йил Ватанимиз пойтахти – Астана Халқаро кўрғазмасини ўтказиш шарафига муносиб кўрилди. Бу кўрғазманинг мавзуси «Келажак энергияси» бўлди.



Биринчи Халқаро кўрғазма 1851 йилда Буюк Британияда шахзода Альбертнинг ташаббуси билан Гайд-паркда ўтказилган.




Темир ва ойнадан барпо қилинган Биллур сарой кўрғазманинг энг диққатга сазовор жойи бўлди. Гюстав Эйфел томонидан лойиҳалаштирилган Эйфел минораси 1859 йилда Парижда ўтказилган Халқаро кўрғазманинг ташриф қоғози бўлди. Унинг вақтинчалик иншоот бўлиши кўзда тутилган ва кўрғазмага кириш аркаси бўлиб хизмат қилиши керак эди. Лекин вақт ўтиши билан у Франция пойтахтининг асосий рамзи бўлиб қолди.


Кўрғазманинг қатъий даврийлиги йўқ. Лекин ўртача ҳар 2–3 йилда бир марта ўтказилиб туради. Ҳар бир мамлакат ўз ютуқларини намойиш қилади ва бу билан дунё жамоатчилиги кўз ўнгида ўз мавқеини яхшилашга интилади.

ЭКСПО-2017 нинг меъморий рамзи Қозоғистон павильони – «Нур Алем» бўлди. Бу диаметри 80 метр ва баландлиги 100 метр бўлган дунёдаги энг катта сфера (шарсимон) шаклидаги бинодир. «Нур Алем» республикадаги илк технологик келажак энергияси музейини ифодалайди ва 8 қаватни эгаллайди. Ҳар бир қаватда ўзига хос экспозициялар жойлашган: «Келажакдаги Астана», «Коинот энергияси», «Қуёш энергияси», «Шамол энергияси», «Биомассалар энергияси», «Кинетик энергия», «Сув энергияси» ва «Миллий павильон» бўлиб, сферанинг остки қисмида жойлашган. «Нур Алем»ни ҳақли равишда келажак музейи деб ҳисоблаш мумкин. У ерга ҳозир ҳам ташриф буюриш мумкин. Сиз ўзгача кўринишдаги механизмларни, конструкцияларни, интерьерлар – иншоотнинг ички жиҳозларини кўрасиз.




ЭКСПО-2017 да олинган фотосуратларни диққат билан кўриб чиқинг. Улар сизнинг «Келажак шаҳри» лойиҳасини тузишингизда илҳом бағишлайди, уни дўстларингиз билан биргаликда амалга оширасиз.





**Интернет ва бошқа манбалардан ЭКСПО-2017 ва Халқаро кўргазмалар ҳақида маълумот топинг, у сизга лойиҳа устида ишлашингизда асқотади. Уни дўстларингиз билан ўртоқлашинг.**



## Келажак шаҳарлари

Халқаро кўргазмаларда техника ва технологиянинг алоҳида соҳаларидаги ютуқларини кузатишингиз мумкин. Бу вақтнинг ўзида эса олимлар ва меъморлар бутун бошли шаҳарларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқишади.



Нима деб ўйлайсиз, келажак шаҳари қандай сифатларга эга бўлиши керак? Агар сиз келажак шаҳари лойиҳасини яратган бўлсангиз, унда қандай ғояларни гавдалантиришни хоҳлаган бўлардингиз?

Келинг, ҳозирги вақтда амалга оширилаётган баъзи бир лойиҳалар билан танишамиз.



2006 йилда Бирлашган Араб Амирликларидаги Абу-Даби шаҳарчасида келажак экошаҳари – Масдар Сити бунёд этила бошланди. Масдар атроф муҳитни заҳарлайдиган зарарли чиқиндилар энг кам миқдорда бўлган Ер юзидаги биринчи шаҳар бўлиши зарур. Мақсадга кўра у кўп миқдордаги ўт-ўланлар, тоза янги ҳаво мавжуд бўлган шаҳар-воҳа (оазис) бўлиши керак.



Шаҳар кўпроқ қуёш энергиясида ишлайди. Муҳандислар транспортнинг янги турларини ишлаб чиқишяпти. Меъморлар ва дизайнерлар биноларнинг лойиҳалари, шаҳарни безатиш устида иш олиб боряптилар. Келажак шаҳри соғлиқ учун хавфсиз бўлибгина қолмасдан, балки чиройли ҳам бўлиши керак.

Хитойнинг қишлоқ жойида машиналарсиз шаҳар лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Great City (Буюк шаҳар) да одамлар хоҳлаган нуқтасига пиёда ёки велосипедда етиб боришлари мумкин бўлади. 80 минг одамга мўлжалланган бу яшил шаҳарнинг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унда турар жой уйлари шаҳар марказида тўпланadi, ҳамма идоралар эса унинг теварагида энг яшил зонада жойлашади.



Агар экошаҳарлардан бирининг қурилиши бошланган бўлса, бошқа лойиҳалар ҳозирча меъморларнинг ижодий фантазияси натижаси бўлиб турибди. Масалан, бельгиялик меъмор В. Каплебо Хитой учун спиралсимон минора кўринишидаги шаҳар лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу тик шаҳарда парклар, боғлар, полизлар баланд осмонга бўй чўзган турар жой минорасининг бевосита пешайвонларида жойлашади. Меъморнинг фикрича, Хитойдаги ер танқислиги муаммосини шундай ҳал қилиш мумкин.



**«Ақлли шаҳарлар» тўғрисида нималар эшитгансиз? Бу шаҳарларни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қайсилар? Қайси давлатларда улар яратила бошланди? Қозоғистонда шу каби шаҳарлар лойиҳаси ҳақида биласизми? Интернет ва бошқа манбалардан шундай шаҳарларнинг фотосуратларини ва улар тўғрисидаги маълумотларни топинг. Уни дўстларингиз билан ўртоқлашинг.**

## КОМПОЗИЦИЯ ИЧИДАН АСОСИЙСИНИ АЖРАТИШ

Сиз Интернет ва фотоальбомларда шаҳарларнинг фотосуратларини томоша қилаётганингизда, эҳтимол, ҳар қандай меъморий ансамблда бутун меъморий композициянинг маркази ҳисобланган асосий иншоот борлигига эътибор бергандирсиз. Маслан, ЭКСПО-2017да шундай асосий бино «Нур Алем» бўлди.



Асосий объект биринчи бўлиб эътиборни ўзига тортибгина қолмасдан, балки бутун композицияни бир бутун қилиб бирлаштиради, шунда у янада ифодалироқ чиқади. Объектнинг асосийсини ажратиш масаласи нафақат меъморнинг, балки бўлғуси ишларнинг композициясини ишлаб чиқаётган рассомнинг ҳам олдида турган вазифадир. Ҳар гал рассом кўп фигурали композиция яратар экан, ким ёки нима унинг асарида асосий бўлишини аниқлаб олади ва уни ажратиш усулларини қидиради.

Янада ифодалироқ иш яратиш учун, сиз композицияда асосийсини ажратиш усуллари билан танишиб чиқишингиз керак. Бундан ташқари, бу билимларингиз келажак шаҳари лойиҳасини тўғри бажаришингизда ёрдам беради.



Бошқа иншоотлар орасида «Нур Алем» ниманинг ҳисобига ажралиб туради? Жавобингизни асосланг.



1. Қоғоздан 20×20 см ли иккита квадрат ва бир нечта бир хил ўлчамдаги доирачалар қирқиб олинг.



2. Доирачаларни иккита квадратга бир хил


жойлаштиринг ва композицияга қаранг. Бирор бир доирачани ажрата оласизми?

3. Бир квадрат ичидан битта доирачани олиб ташланг ва унинг ўрнига каттароқ ўлчамдаги доирани қўйинг. Биринчи навбатда қайси доирага эътибор берасиз? Катта доира композиция ичида асосийси деб айта оламизми? Биринчи хулосани чиқаринг.


4. Катта доирани олиб ташланг ва унинг ўрнига бошқа рангдаги доирани қўйинг. 1 ва 3-композицияларни қиёсланг. Доира қайси композицияда ажралиб турибди? Қизил доира композиция ичида асосийси деб айта оламизми? Иккинчи хулосани чиқаринг.

5. Қизил доирани олиб ташланг ва унинг ўрнига бошқа шаклни, масалан, учбурчакни қўйинг. 1 ва 4-композицияларни қиёсланг. Биринчи навбатда нимага эътибор берасиз? Учбурчак композиция ичида асосийси деб айта оламизми? Учинчи хулосани чиқаринг.


Композицияда асосий объектни қандай усуллар билан ажратиш мумкинлиги ҳақида умумий хулоса чиқаринг.




1




2




1





3



1



4



Рассомлар кўпинча асосийсини ажратишда бир пайтда бир нечта усуллардан фойдаланадилар. Бу композицияларга қаранг ва рассом асосийсини ажратишнинг қайси усулларини бирлаштирганлигини аниқланг.



## «КЕЛАЖАК ШАҲРИ» МАКЕТИНИ ЯРАТАМИЗ



Бу ишни жамоа бўлиб бажараётиб, сиз тўрт йил ичида нималар ҳақида билиб олганингиз ва нималарни ўрганганлигингиз тўғрисида ҳаммасини эслашингиз керак бўлади. Бу лойиҳада сиз ранг, композиция тўғрисидаги билимларингизни кўрсатишингиз, меъмор ҳам, дизайнер ҳам бўлишингиз, кўплаб фантазияларни, жамоада ишлай билишингизни, лойиҳангизни томошабинларга тақдим эта олишингизни намоёйиш қилишингиз керак бўлади.



Сизга керак бўлади: қалин картон, рангли қоғоз, қайчи, елим, ингичка сим, тиш ковлагич, гугурт, рангли фломастерлар, полимер лой, ташланадиган материаллар, пластик ва шиша идишлар, тугмалар, бошқа табиий ва сунъий материаллар.





### ИШНИНГ КЕТМА-КЕТЛИГИ

1. 7-8 кишилик гуруҳларга бирлашинг. Гуруҳда ўз келажак шаҳрингиз ғоясини, уни қандай ҳолатда кўришни хоҳлашингизни муҳокама қилинг.

2. Ишингизнинг композициясини ўйлаб олинг. Ранглар гаммасини аниқланг. У иссиқ, совуқ ёки контраст, тўйинган ва тўйинмаган бўлиши мумкин. Бу сизнинг умумий мақсад ва ғоянгизга боғлиқ бўлади.

3. Вазифаларни гуруҳда тақсимлаб олинг. Ким деталлар билан шаҳар жойлашадиган асосни жиҳозлашини, ким қизиқарли объектлар ўйлаб топишини ҳал қилиб олинг. Объект учун энг турли-туман нарсалар тўғри келади. Фақат фантазияни ишлатиш ва уни бир оз деталлар билан тўлдириш керак бўлади.

Қаранг, спирал қилиб буралган оддийгина сим ва қалин рангли қоғозни елимлаб ҳосил қилинган иккита цилиндр ёки ишлатилган иккита қалин фломастер ажойиб аркага айланиши мумкин.







3-синфда бажарган меъморий мажмуа устидаги ишингизни эсланг. Қоғоздан яна қандай ҳажмли геометрик шакллар ясаш мумкин?

Агар сиз фантазиянгиз ва ижодий қобилиятингизни ишга солсангиз, оддий сим ва гугурт чўплари ҳам ажойиб конструкцияга айланиши мумкин.



Атирдан бўшаган бўш идиш ўзгача фавворага айланиши мумкин. Бунинг учун тиш ковлагичлар ёки гугурт чўпларидан фойдаланиш мумкин, уларнинг бир учига полимер лойдан шар ясаш мумкин, бошқа учини эса анча йирик ҳажмдаги шарга қадаб қўйиш ва бу конструкцияни бошқа қандайдир предметга жойлаштириш мумкин.



«Лего» конструкторининг қисмлари ҳам ўзингиз ўйлаб топган ва мустақил барпо қилган минора ва бошқа иншоотга айланиши мумкин.

Келажак шаҳрида албатта турли ўсимликлар ўсиб туриши шартлиги тўғрисида ўйланг. Уларни қоғоздан, полимер лойдан ва қуритилган ўсимликлардан ясаш мумкин.





## ТАҚДИМОТ , ТАҲЛИЛ, МУҲОКАМА

1. ЭКСПО -2017 ва Халқаро кўргазмалар ҳақида нималарни биласиз?

2. Келажак тўғрисида ҳикоя қилинган қандай асарларни ўқигансиз?

3. Келажак шаҳарларининг қандай лойиҳалари амалга оширила бошланди?

4. Келажак шаҳрини қандай тасаввур қиласиз?



1. Композиция ичидаги асосийсини ажратишнинг усулларини айтинг.

2. Макет яратишда асосийсини ажратишнинг қандай усулини танладингиз?

3. Сиз қандай материаллар ва усулларни қўлладдингиз?

4. Лойиҳангизга қандай ғоя қўйддингиз?




КОМПОЗИЦИЯ ИЧИДАН  
АСОСИЙСИНИ АЖРАТИШ

## ХУЛОСА ЧИҚАРАМИЗ


## 1. РАНГ ҲАҚИДА НИМА БИЛИБ ОЛДИНГИЗ?

Берилган гапларни рангларнинг гуруҳларини тўғри атаб,  
оғзаки тугатинг.

Ранглар ... бўлади.



Ранг кўплаб ...  
эга бўлади.




Бир неча ранглар ... ҳосил қилади.

Ранглар гаммаси ...  
ҳикоя қила олади.



## 2. ЧИЗИҚЛАР, ШТРИХЛАР, ШАКЛЛАР ҲАҚИДА НИМА БИЛИБ ОЛДИНГИЗ?

Чизиқлар ...  
бўлади.



Чизиқлар ... ҳикоя қилиб  
бера олади.




Ёпиқ чизиқлар ... ҳосил қилади.



Штрих ёрдамида ...  
тасвирлаш мумкин.



Шакллар ўз номларига эга бўлишади. Бу шакллар ... деб  
аталади.



Балаңдлик, кенглик ва қалинликка эга шакллар ... деб  
аталади.

Ҳажмли шакллар ўз номларига эга ...



## АТАМАЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ЛУҒАТИ

**АВТОПОРТРЕТ** – рассомнинг ўзини ўзи тасвирлаши.

**АКВАРЕЛЬ** – бу шаффоф, сувда эрийдиган бўёқлар, шунингдек, бу бўёқлар билан бажарилган асар.

**АМАЛИЙ-ДЕКОРАТИВ** – турмушга оид бадиий асарлар яратишни ўз ичига олган тасвирий санъат тури.

**АНИМАЛИСТ** – ҳайвонларни тасвирлайдиган рассом.



**АНИМАЛИСТИК ЖАНР** – тасвирий санъатнинг ҳайвонлар тасвирига бағишланган жанри.

**АППЛИКАЦИЯ** – турли хил материаллардан шакл қирқиб олиш ва уларни маълум бир фонга ёпиштириш йўли билан тасвир яратиш санъати.

**МЕЪМОРЧИЛИК** – биноларни лойиҳалаш ва барпо этиш санъати.



**МЕЪМОРИЙ АНСАМБЛЬ** – услубий жиҳатдан тузилиши ва умумий ғояси бирлаштирилган бир нечта бино.

**АТТРАКЦИОН** – кўнгили очиш учун мўлжалланган иншоот.



**ГУАШЬ** – шаффоф бўлмаган, сувда эрийдиган бўёқлар, шунингдек, бу бўёқлар билан бажарилган асар.

**ГРАФИКА** – тасвирий санъат тури, шунингдек, асосий ифода воситалари чизиқ, штрих, доғ, оқ ва қора ранглар бўлган тасвирий санъат асари.



**ДЕКОРАЦИЯЛАШ** – турли предметларни нақшлар ва орнаментлар билан безатиш.



**ДИЗАЙН** – нарсаларнинг қулайлик, чидамлик ва гўзаллик нуқтаи назарига асосланган лойиҳасини ишлаш.



**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЖАНРЛАРИ** – тасвирий санъатнинг бир бўлими, у нимани тасвирлашига кўра аниқланади. Масалан, «портрет» жанрида одам тасвирланади, «пейзаж» жанрида эса – табиат.



**РАНГТАСВИР** – тасвирий санъат тури, шунингдек, асосий ифода воситаси ранг бўлган тасвирий санъат тури.



**ХОМАКИ РАСМ** – ўзига қараб (натурадан) наридандан-бери чизилган расм.

**ИЛЛЮСТРАЦИЯ (ЖУРНАЛДАГИ РАСМ)** – матнни изоҳлайдиган расм.



**САНЪАТ** – одамнинг ижодий фаолияти натижаси.

**КОЛЛАЖ** – асосга турли материалларни елимлаш усули билан тасвир яратилган асар.

**КОМПОЗИЦИЯ** – расмдаги барча деталларнинг мақсадга боғлиқ равишда қоғозга ифодали жойлаштирилиши, бадиий асарнинг тузилиши. Кўпинча бутун асарни «композиция» деб аташади.



**КОНТРАСТ** – кескин ифодаланган қарама-қаршилиқ, катта ва кичик, меҳрибонлик ва ёвузлик контрасти ва бошқалар.



**МАДАНИЙ АНЪАНАЛАР** – халқнинг маданий ёдгорлиги, унинг байрамлари, урф-одатлари, маросимлари.

**ЧИЗИҚ** – рассомнинг асосий ифода воситаларидан бири. Чизиқ – ҳаракатдаги нуқтанинг изи. Рассом ўз расмларида турли чизиқлардан фойдаланади.



**ДОҒ (МАЗОҚ)** – рангтасвирнинг ифода воситаси; мўйқалам билан тортиб бўёқ беришдан қоғоз ёки холстда қолган из.



**МАКЕТ** – макон-жойга оид ҳажмли эскиз, бўлғуси ёки мавжуд бўлган иншоотнинг кичрайтирилган шакли.



**МАРИНА** – денгиз тасвирига бағишланган тасвирий санъат жанри.



**МАТРИЦА** – оттиск ҳосил қилиш учун шакл.

**МИМИКА** – юз мускулларининг ифодали ҳаракати.



**МОЗАИКА** – алоҳида майда қисмлардан терилган тасвир.

**МОНОТИПИЯ** – биргина оттиск билан тасвир ҳосил қилиш ва кейин деталларни чизиб чиқиш усули.



**НАТУРА** – расом асарини яратаётганида кузатиб турадиган реал предметлар.


**НАТЮРМОРТ** – тасвирий санъат жанри, ҳаракатсиз буюмлар – жонсиз объектлар ва жонли табиатнинг тасвирига бағишланади.

**ҲАЖМЛИ ТАСВИР** – ҳамма томондан кўриш мумкин бўлган тасвир.

**ҲАЖМЛИ ЖИСМЛАР** – ҳамма томондан кўриш мумкин бўлган предметлар. Тўғри ҳажмли жисмлар – шар, куб, конус ва бошқалар.



**БИР ФИГУРАЛИ КОМПОЗИЦИЯ** – битта фигура иштирок этган композиция. Бир фигурали композицияга, масалан, битта одамнинг портрети киради.



**ОРИГАМИ** – амалий-декоратив санъат кўриниши; қоғоздан фигуралар ясаладиган қадимий санъат.

**ОРНАМЕНТ** – элементларнинг аниқ масофада тартиб билан такрорланишидан ҳосил бўладиган нақш.



**АСОСИЙ РАНГЛАР** – қизил, сариқ ва кўк. Булар аралаштириш йўли билан бошқа рангларни ҳосил қилиш мумкин бўлган ранглардир.

**ТУС** – битта рангнинг турли кўринишлари. Айнан бир хил ранг кўплаб тусларга эга бўлиши мумкин. Туслар билан ишлаш рангтасвирда фаол қўлланилади.



**ОТТИСК** – бўёқли шаклни қоғоз варағига босиш усули билан ҳосил қилинадиган тасвир.



**ПАЛИТРА** – бўёқ аралаштириш учун кичкина тахта.



**ПАСПАРТУ** – расмни жиҳозлаш учун қоғоз ёки картон рамка.


**ПАСТЕЛЬ** – расм чизишда қўлланиладиган рангли бўрчалар. Пастеллар қуруқ ва ёғли бўлади.

**ЧИЗИҚЛИ МАНЗАРА** – кўз билан идрок этиш ва предметларни маконда тасвирлаш усули, бунда узоқдаги предметлар томошабинга яқин турганидан кичиқроқ кўринади, чизиқлар эса узоқлашгани сари бир-бирига яқинлашгандай кўринади.



**ПЛАНЛИЛИК** – предметлар турли планда – олдинги ва орқада жойлашган тасвир.

**ПЕЙЗАЖ** – тасвирий санъат жанри, шунингдек, табиат тасвирига бағишланган тасвирий санъат асари.



**ПОРТРЕТ** – тасвирий санъат жанри, шунингдек, одамнинг тасвирига бағишланган тасвирий санъат асари.



**АНФАС ПОРТРЕТ** – одамнинг томошабинга қараб турган ҳолдаги тасвири.

**ЁН ТОМОНДАН ПОРТРЕТ** – одамнинг томошабинга ён томони билан турган ҳолдаги тасвири.

**ГУРУҲЛИ ПОРТРЕТ** – икки ва ундан ортиқ одам тасвирланган портрет.

**КАМЕР ПОРТРЕТ** – одам ҳар кунги кўринишда тасвирланган портрет.

**ҲАШАМДОР ПОРТРЕТ** – одам тантанали кўринишда тасвирланган портрет.

**ОИЛАВИЙ ПОРТРЕТ** – оила аъзолари тасвирланган портрет.

**ПРОПОРЦИЯ** – турли қисмларнинг ўлчами бўйича муайян ўзаро нисбати, шунингдек, бу қисмларнинг бутун билан муносабати.

**ПУАНТИЛИЗМ** – рангтасвирдаги йўналиш, унинг асосида турли рангдаги алоҳида нуқтали доғлар воситасидаги бадиий тасвир усули ётади, натижада ранглар аралашиб кетгандай кўринади.




**ЎЛЧАМ** – қоғоз варағи, картоннинг катта-кичиклиги. Ўлчам катта ва кичик бўлиши мумкин.

**СИЛУЭТ** – қандайдир битта ранг, кўпроқ қора рангда доғ кўришидаги предмет шакли.

**РАМЗ** – бирор тушунча ёки кўриниш учун ўйлаб топилган шартли белги.

**ИККИ ТОМОНЛАМА СИММЕТРИЯ** – предметнинг ўнг ва чап қисмлари бир хил бўлган кўриниш.



**СИЛУЭТЛИ ТАСВИР** – ҳамма предметлар силуэт тасвирида бўлган графика тури.



**СКРАПБУКИНГ** – қўлда ишланган альбом яратиш санъати.

**ҲАЙКАЛТАРОШЛИК** – ҳажм, шакл асосий ифода воситаси бўлган тасвирий санъат тури.

**ТЕКСТУРА** – материал устидаги расм. Текстурани кўришгина мумкин, ушлаб кўриб аниқлаб бўлмайди.

**ИССИҚ РАНГЛАР** – қизил, оловранг, сариқ. Бу ранглар иссиқликни эслатади.



**НАҚШ** – безак элементи, у чизиқ ва шакллардан ташкил топади. Нақш рангли ва оқ-қора бўлиши мумкин.

«ҚОШҚАР МҮЙИЗ» НАҚШИ – қўчқор шохларини эслатувчи қозоқ халқининг миллий нақши.



**ФАКТУРА** – материал юзасининг рельеф табиати. Фактурани сиртга қўл теккизиш билан аниқлаш мумкин.

**ШАКЛ** – рассомнинг энг асосий ифода воситаларидан бири. Предметнинг ташқи кўриниши. Қоғозда шакл ёпиқ чизиқ орқали ҳосил қилинади.



**ФОРМАТ** – варақнинг ҳажми, унинг баландлиги ва кенглиги ўзаро муносабатда бўлади. Формат агар варақнинг баландлиги кенглигидан катта бўлса, тик (вертикал); кенглиги баландлигидан катта бўлса, ётиқ (горизонтал) ва баландлиги ва кенглиги тенг бўлса, квадрат бўлади.

**СОВУҚ РАНГЛАР** – совуқни эслатадиган ранглар – кўк, ҳаворанг. Яшил ва сиёҳранглар ҳам совуқ бўлиши мумкин.



**ГРАФИК РАССОМ** – график асарлар яратадиган рассом.

**РАНГТАСВИРЧИ РАССОМ** – рангтасвир асарларини яратадиган рассом.

**РАНГ** – рассомнинг энг асосий ифода воситаларидан бири. Рассом бўёқларни аралаштириб турли хил рангларни ҳосил қилади.



**РАНГЛАР ГАММАСИ** – бир неча ранглар бирикмаси.

**ЮЗ БИЧИМИ** – одам юзининг қисмлари: пешана, кўзлар, қошлар, бурун, оғиз, бағбақа, қулоқлар.

**ШТРИХ** – қисқа чизик, график рассомнинг энг асосий ифода воситаларидан бири.



**ЎТОВ** – қозоқ халқининг анъанавий кўчма турар жойи.



## СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. *Агамирян Ж. С.* Детская картинная галерея. – М., 1979.
2. *Алехин А. Д.* Когда начинается художник. – М., 1994.
3. *Алехин А. Д.* Изобразительное искусство. – М., 1984.
4. *Альбедиль М. Ф., Берёзкин Ю. Е.* Жилища народов мира. – М.: Вектор-Детство, 2015.
5. Альбомы из серии «Рисуют дети мира. Казахстан».
6. *Амонашвили Ш. А.* Здравствуйте, дети. – М., 1983.
7. *Анистратова А. А., Гришина Н. И.* Поделки из бумаги. – М.: Оникс, 2010.
8. *Афонькин С. Ю. и Афонькина Е. Ю.* Оригами. Игры и фокусы с бумагой. – С-Пб., 1994.
9. *Бакушинский А. Б.* О задачах и методах воспитания. – М., 1988.
10. *Берри Барбара Дайан.* Рисуйте свободно! – М.: Манн. Иванов и Фербер, 2014.
11. *Блинов Г.* Чудо-кони, чудо-птицы. Рассказы о русской народной игрушке. – М.: Детская литература, 1977.
12. *Выготский Л. С.* Воображение и творчество в детском возрасте. – М.: 1991.
13. *Герчук Ю. Я.* Живые вещи. – М., 1977.
14. *Герчук Ю. Я.* Что такое орнамент? Структура и смысл орнаментального образа. – М.: Галарт, 1998.
15. *Долженко Г. И.* Сто поделок из бумаги. – М.: Академия развития, 2006.
16. *Дубровская Н. В.* Большая книга аппликаций из природных материалов. – М.: Астрель, 2010.
17. *Дудникова Г.* История костюма. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2002.
18. *Джанибеков У.* Казахский костюм. – Алматы: Онер, 2005.
19. *Есимханов А., Жангильдин Е.* Казахская национальная одежда. – Алматы: Дидар, 1998.
20. Изобразительное искусство Казахстана на рубеже веков. Каталог. – Алматы: Художественная галерея «ОЮ», 2002.
21. Изобразительное искусство Казахстана. Грани реализма. Каталог. – Алматы: Художественная галерея «ОЮ», 2004.
22. Иллюстрированный атлас мира. – М.: Белый город, 1998.
23. *Калашникова Н., Плужникова Г.* Одежда народов СССР. – М.: Планета, 1990.
24. *Катюшкина К.* Супершкола рисования для детей от 1 до 100 лет. М.: Астрель, Сова, 2010.
25. Легенды Древнего Казахстана. – Алматы: Аруна, 2008.
26. *Маргулан А. Х.* Казахское народное прикладное искусство. – Алмата: Онер, Т. 1. – 1986.

## БАДИЙ МЕҲНАТ ДАРСЛАРИДА ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ

- Ўткир предметлар билан ишлаётган пайтда чалғимаслик керак. Агар бир нарсани сўрашингиз керак бўлса, аввал ўткир предметларни бир чеккага олиб қўйинг.
- Қалам, мўйқалам, фломастерлар, қайчи ва бошқа ўткир предметларни ушлаб турганингизда, қўлингизни силкитманг. Ўзингизни ёки атрофдагиларни яралаб қўйишингиз мумкин.
- Ўткир предметларни махсус қутиларга солиш керак. Қайчини очиқ қолдириб бўлмайди. Қайчи учининг тагига бармоқларингизни қўйманг ва қайчининг учини тепага қилиб ушламанг.
- Кўз ёки оғизга кириб кетмаслиги учун елим билан эҳтиёт бўлиб ишлаш керак. Кийимингизни ифлослантирмасликка ҳаракат қилинг.
- Майда предметлар билан эътибор бериб ва эҳтиёткорлик билан ишлаш керак. Уларни ёйиб ташламанг, оғизга солманг, улар билан ишлашда чалғиманг.
- Сирғаниб кетмаслик учун сувни тўкиб юбормаслик керак. Агар тўкиб юборсангиз, ҳўл жойни тезда латта билан артиб олинг.
- Дазмол билан эҳтиёт бўлиб ишлаш керак. Иссиқ дазмолга қўлингиз билан тегманг, уни асоси билан мато устига қўйманг. Қизишининг ҳароратига эътибор беринг, ҳарорат мато турига мос келиши керак. Ишни тугатгандан сўнг дазмолни ўчириш ва жойига қўйишни унутманг.

## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
1. МЕНИНГ ВАТАНИМ – ҚОЗОҒИСТОН .....	4
Қозоғистоннинг табиати .....	5
Пейзажда фазовий манзара .....	6
Рангларнинг тўйинганлиги .....	8
Қозоғистоннинг маданий – тарихий ўтмиши.....	14
«Қадимий шаҳар деворлари остида» кўламли панносини яратамиз .....	17
Тақдимот, таҳлил, муҳокама.....	20
2. ҚАДРИЯТЛАР .....	21
Маиший жанр билан танишамиз .....	22
Умуминсоний қадриятлар рассомларнинг асарларида .....	24
Жамоавий постер яратамиз .....	26
Ранглар ёрдамида ҳиссиётни қандай ифодалаш мумкин.....	28
Тўйинмаган оч ранглар гаммаси.....	29
Тўйинган ранглар гаммаси .....	30
Тўйинмаган тўқ ранглар гаммаси .....	31
Бадий табрикномалар санъати .....	32
Шрифтнинг ифода имкониятлари. Сеҳрли ҳарфлар .....	33
Яқинларимиз ва дўстларимиз учун табрикнома яратамиз ...	36
Тақдимот, таҳлил, муҳокама.....	38
3. МАДАНИЙ МЕРОС .....	39
Ўтовнинг ички жиҳозлари .....	40
Қозоқ халқининг анъанавий гиламлари .....	42
Фетрдан аяққап халтасини қозоқча анъанавий усулда яратамиз.....	46
Бувижонлар сандиғининг хазиначалари Қозоқ халқининг миллий аёллар либоси .....	50
Қозоқ халқининг миллий эркаклар либоси.....	52
Қозоқ миллий заргарлик безаклари .....	54
Қозоқ халқининг миллий услубида заргарлик безакларини яратамиз .....	56
Тақдимот, таҳлил, муҳокама.....	58

4. КАСБЛАР ДУНЁСИ .....	59
Касблар дунёси тасвирий санъатда.....	60
Натюрморт касблар ҳақида ҳикоя қилади .....	62
Турли предметларнинг кўламини етказишда чизиқ ва штрихнинг аҳамияти.....	64
Натюрморт тузиш санъати .....	68
Аралаш усулда натюрморт яратамиз .....	70
Тақдимот, таҳлил, муҳокама.....	72
5. ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ .....	73
Мавсумий табиат ҳодисалари .....	74
Рассомлар томонидан мавсумий табиат ҳодисаларининг тасвирланиши .....	75
Рангнинг ёруғлик миқдорига боғлиқлиги .....	76
Пейзажнинг ривожда импрессионист рассомларнинг тутган ўрни.....	80
Илмоқли пирпирак ясаймиз.....	82
Табиат ҳодисаларини турли жанрларда тасвирлаш .....	84
Табиат ҳодисасини тасвирлаймиз.....	86
Тақдимот, таҳлил, муҳокама.....	88
6. АТРОФ МУҲИТНИ ҚЎРИҚЛАШ .....	89
Ер – жонли сайёра .....	90
Атроф муҳит хавфда!.....	92
Халқаро Қизил китоб.....	94
Плакат нима.....	95
«Атроф муҳитни қўриқлаш» мавзусида плакат яратамиз ....	97
Тақдимот, таҳлил, муҳокама.....	100
7. КОИНОТГА САЁҲАТ .....	101
Юлдузли осмон .....	102
«Юлдузли осмон» чироғини ясаймиз.....	104
Фазогир рассомлар .....	106
Композицияда мувозанат ва яхлитлаш .....	108
Композицияни тенглаштирамиз .....	110
Фазовий саёҳатни чизамиз .....	112
Тақдимот, таҳлил, муҳокама.....	114

8. КЕЛАЖАККА САЁХАТЕ .....	115
Ўтмишда келажакни қандай тасаввур қилишган.....	116
ЭКСПО-2017 – келажакка саёҳат.....	117
Келажак шаҳарлари .....	120
Композиция ичидан асосийсини ажратиш .....	122
«Келажак шаҳари» макетини яратамиз.....	124
Тақдимот, таҳлил, муҳокама.....	127
Якун чиқарамиз.....	128
Атамаларнинг қисқача луғати .....	130
Адабиётлар рўйхати .....	138
Бадий меҳнат дарсларида хавфсизлик қоидалари .....	139

Учебное издание

**Раупова Надежда Алимовна  
Тулэбиев Абдуали Тулегенович  
Дашкевич Елена Валерьевна**

**БАДИЙ МЕХНАТ**

Умумтаълим мактабларининг 4-синфи учун дарслик

*(на узбекском языке)*

Зав. редакцией *Н. Жиенгалиев*

Редактор *И. Самойлюк*

Художник *Н. Раупова*

Художественный редактор *А. Беккожанова*

Технический редактор *О. Рысалиева*

Корректоры *Г. Туленова, С. Тайтелиев*

Фотоиллюстрации *Н. Рауповой*

Перевод узбекского текста *М. Мусаевой*

Компьютерная верстка узбекского текста *Г. Утеновой*

ИБ №7416

Подписано к печати 16.09.2019 г. Формат 70×100<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Бумага офсетная. Гарнитура «SchoolBook». Печать офсетная.

Печатный лист 9,0. Усл. печ. л. 11,7.

Тираж 7500 экз.

Заказ №

ТОО «Корпорация «Атамұра», 050000, г. Алматы, пр. Абылай хана, 75.

Издательство «Жазушы», 050009, г. Алматы, пр. Абая, 143.

тел.: (727) 394 41 55; факс: (727) 394 41 64.

e-mail: zhazushi@mail.ru

ISBN 978-601-200-659-9



9 7 8 6 0 1 2 0 0 6 5 9 9